Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 14-iyun, shanba | № 48 (7553)

ЮРАКЛАР ТЎРИДА АБАДИЙ ҚОЛДИ

Гўзал Андижону Баркамол авлод, Дилларга завқу шавқ, эҳтирос солди. Ўзининг сурурли онлари билан Юраклар тўрида абадий қолди.

Дарҳақиқат, 5-11 июнь кунлари Андижон вилоятида бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг Республика финал босқичи ниҳоясига етган бўлса-да, нафақат андижонликлар, балки бутун мамлакатимиз аҳли ҳозир ҳам ўша байрам оғушида яшамоқда. Илло, дўстлик, бирдамлик, ирода, матонат тантанаси бўлган бундай оммавий спорт мусобақалари барча дилларга завқу шавқ улашиши тайин.

(2-3-бетга қаралсин)

МАКТАБ ТАЪМИРИ ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ ҲИСОБИДАН

Jarayon

Қаршибой Жуманов 1973 йилда СамДУнинг механика-математика факультетини битириб, 1982 йилда авария ҳолатидаги 49-мактабга директор этиб тайинланган эди. У, энг аввало, ишни таълим-тарбияни ҳамда мактаб моддий-техника базасини яхшилашдан бошлади. Масалан, жамоа айни кунда ҳам 40 сотих ерда деҳқончилик қилади. Кўкка бўй чўзган 10 минг туп терак, 200 дан ортиқ мевали дарахт мактаб мулкига айланган. Ховлидаги ва мактаб атрофидаги гулларни кўриб ҳавасингиз келади. Бундан ташқари, мактаб жамоаси бу йил баҳорда Ҳамид Олимжон номидаги ширкат хўжалигидан икки гектар ерни ижарага олиб, помидор ниҳоли экди. Ривожи ёмон эмас. Йигирма сотих майдонда эса пиёз парвариш қилинмоқда.

— Бу бозор иқтисодиётининг талаби. Лекин мактаб жамоаси нуқул пулнинг кетидан қувар экан деб ўйламанг, — дейди директор. — Ўқитувчилар фақат дарсдан бўш вақтларида ёрдам берадилар. Ишламаблағнинг барчаси жамо-ганлар рағбатлантирилади. Бу шароитимизни яхшилашга ага, таълим-тарбия ишларини, сарфланади.

Дарҳақиқат, ўтган йили ёрдамчи хўжаликдан уч миллион сўм даромад олинди. Мактабни таъмирлаш шу ҳисобдан амалга оширилди.

— Бу йилги ниятимиз даромадни икки ҳисса ошириш, — дейди Қаршибой ака Жуманов, — пол ва ленолиумларни янгилаймиз. Компьютер оламиз. Ўқитувчиларни саёҳатларга олиб борамиз. Яна бир нарса. Мактабда инглиз тили, бичиш-тикиш, мусиқа ва спорт тўгараклари яхши йўлга қўйилган. 60 нафар ўқувчи қишин-ёзин таэквандо билан шуғулланади. Улар туман ва вилоят мусобақаларида юқори ўринларни эгаллашаяпти. Фан олимпиадалари бўйича 5 нафар ўқувчи совринли ўринларни олди. Муваффақиятларга эришаётган ўқувчи ва ўқитувчилар ўз вақтида рағбатлантирилиб турилибди.

Хулоса қилиб айтганда, Булунғурдаги 49-мактаб жамоасида амалга оширилаётган ибратли ишлардан ўрнак олса арзийди.

Рустам ҲАЙИТОВ

ДАДИЛ ФИКР, ЁРҚИН БАЁН, ҚАТЪИЙ ХУЛОСАЛАР
4-бет

АСЛИДА МАҚСАДИМИЗ БИТТА
5-бет

КОМИЛЛИККА ШАҲОДАТ
9-бет

ИККИ ХИЛ СИЁҲДА ТЕКШИРИБ КЎРИНГ-ЧИ...
11-бет

АЛКИМЁГАР
(Роман)
12-бет

ҒАРБ ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТАРИХИ
13-бет

"БУЗРУКВОР" КРОССВОРДИ
16-бет

O'yingoh uzra O'zbekiston xalq artisti Yu.Usmonovaning «Hech kimga bermaymiz seni, O'zbekiston!» qo'shig'i yangragan vaqtda barcha «Barkamol avlod» o'yinlari ishtirokchilari birlashdilar va qo'shiqqa jo'r bo'ldilar.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

DAVRA SUHBATI

Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazida Vazirlar Mahkamasi huzuridagi din ishlari bo'yicha qo'mita, "Ijtimoiy fikr" jamoatchilik fikrini o'rganish markazi hamda Fridrix Eberd nomidagi jamg'arma hamkorligida "Dinlararo muloqot — barqarorlik asosi" mavzuida davra suhbati bo'lib o'tdi.

KUN TARTIBIDA YOD YETISHMOVCHILIGI

Oliy Majlisning ijtimoiy masalalar va bandlik qo'mitasi hamda O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligining endokrinologiya instituti tomonidan Farg'ona shahrida "Yod yetishmovchiligi va uning oldini olish muammolari" mavzusiga bag'ishlangan ilmiy-amaliy konferentsiya o'tkazildi. Unda yod yetishmovchiligi va ushbu masala monitoringi bolalar endokrinologiyasi muammolari haqida ma'ruzalar tinglandi va muhokama qilindi.

O'ZBEK OLIMLARI XALQARO ANJUMANDA

O'zbekistonlik ikki olim — professor Ozod Shamatov va tarjimon Amir Fayzullayevlar Surinamda o'tkazilgan hindiy tili bo'yicha butunjahon anjumanida ishtirok etdi.

ELCHI ISHTIROKCHIDAN LOYIHA

AQShning O'zbekistondagi favqulodda va muxtor elchisi janob Jon Xyorbst respublikamiz Xalq ta'limi vazirligi bilan hamkorlikda amalga oshiriladigan mamlakatimizdagi boshlang'ich va o'rta umumta'lim maktablari o'quvchilarini qo'llab-quvvatlashga qaratilgan ikki yangi loyihaning taqdimot marosimida ishtirok etdi.

TOSHKENTDA FOTO KO'RGAZMA

Toshkentda Respublika Madaniyat ishlari vazirligi xalq ijodiyoti va Madaniy ishlar ilmiy-usiubiy markazi hamda bolalar ijodiyoti markazi hamkorligida "Ma'naviyat, ma'rifat, axloq" mavzuida respublika foto ko'rgazmasi ochildi.

XIVA SAN'ATI SEULDA

"Xiva naqshlari" folklor etnografik guruhi a'zolari o'z ijodiy faoliyati davomidagi eng uzoq safarlardan biriga yo'l oldi. Ular Janubiy Koreya poytaxti Seulda ochiladigan xalqaro musiqa festivalida ishtirok etadi.

JURNALISTLAR YIG'INI

Jurnalistlarni qayta tayyorlash xalqaro jamoatchilik markazida Jahon banki loyihasi asosida ommaviy axborot vositalari xodimlari uchun ijtimoiy yo'naltirilgan bozor iqtisodiyoti sharoitida matbuotning roliga bag'ishlangan seminar-trening boshlandi.

ЮРАКЛАР ТЎРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзининг болажонлиги билан ажралиб турадиган халқимиз ўз келажагини фарзандлари истиқболида кўрар экан, бор меҳр-муҳаббатини, барча имкониятларини ёш авлоднинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етиши учун ишга солади. Шахсни жисмоний ва маънавий мукаммалликка юксалтиришнинг муҳим омили бўлган спорт Ўзбекистонда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишига айланди, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, бугун ҳаётга тўлиқ жорий этилган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт ўйинларидан иборат узлуксиз тизим ҳам республика раҳбариятининг бу борада дадил ташлаган илк қадамларидан биридир. Оммавийликдан юксак спорт ютуқларига йўналтирадиган бу янги тизим ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан бир қаторда, халқаро майдонда Ўзбекистон нуфузини оширишга ҳам хизмат қилади. Зеро, ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган «Кучли давлатдан кучли жамият сари» сиёсатининг асосини соғлом авлод ташкил этар экан, 2002 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилиши мамлакат миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеа саналди. Чунки, у спортга иштиёқманд ёшларнинг мунтазам равишда шуғулланишлари, ўз атрофига бошқаларнида жалб этишлари учун туртки бўлди. Айнан бу борада дебоча саналаётган «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» дея номланувчи мусобақаларнинг ҳам оммалашиб бораётганлиги, биринчи галда уй-юмушлари, бола тарбияси билан банд бўлган аёлларнинг ўз саломатликлари учун жиддий қайғуришларига ва шу орқали ўзидан соғлом насл қолдиришлари мумкинлигини тўғри англаб ета билишларига сабабчи бўлди. Кези келганда айтиб ўтиш керакки, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақаларини ўтказиш баҳонасида мезбон вилоятнинг спорт базасини яхшилашга, уни талабга жавоб берадиган даражага кўтаришга эришилмоқда. Президентимиз ҳам шу йилнинг 22-23 май кунлари водийга уюштирган сафари чоғида Андижонда 8 млрд. 200 млн. сўмлик маблағ эвазига қад кўтарган Олимпия заҳиралари коллежига ташриф буюрди ва унга юқори баҳо берди. Кузатувчилар наздида Марказий Осиёда ягона саналаётган ушбу спорт масканида «Баркамол авлод» ўйинлари таркибидан ўрин олган бир неча спорт турлари бўйича мусобақаларнинг ҳамда тадбирнинг очилиш ва ёпилиш маросимларининг ўтказилганлиги унинг сифат даражасига берилган юксак баҳодир. Жумладан, бир ҳафталик беллашувларнинг сарҳисоб вақти, ғалвирни сувдан кўтариб, вилоятларга одилона баҳо бериш палласи саналган «Баркамол авлод» ўйинларининг ёпилиш маросимида, 20000 кишилик ўйингоҳга тадбирнинг очилиш маросимидагидан ҳам кўпроқ томошабин йиғилди. Ҳамманинг кўнглида ягона савол: Ким ғолиб бўларкин?



Зеро, спортнинг абадий қонунияти ҳисобланган ғолиб ва мағлуб томонлар тушунчаси бу мусобақаларда ҳам ўз сўзини айтди. Аввалига чорлов мусиқаси садолари остида ўйингоҳдан вилоятлар терма жамоалари ўрин эгалладилар. Сўнгра эса майдонга олтин, кумуш, бронза медаллари соҳиблари бўлган турли вилоят спортчи ўқувчилари кириб келганларида ўйингоҳ шодон қийқириқлар остида қолди. Ва тадбирнинг кулминацион нуқтаси саналган умумжамоа ҳисобида ғалабага эришган вилоятлар номи эълон қилинди. Хуллас, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Баркамол авлод — 2003» спорт мусобақалари иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси, биринчи даражали диплом ҳамда Президент совғаси «Матиз» автомобилини Андижон вилояти терма жамоасига ушбу вилоят ҳокими, Ўзбекистон Қаҳрамони Қ.Обидов ҳамда Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Ж.Ҳусановлар топширди. Иккинчи ўринни эгаллаган Тошкент вилояти спортчиларига иккинчи даражали диплом ва «Дамас» машинаси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси К.Юсупов ҳамда Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари П.Луқмоновлар томонидан тақдим этилди. Фахрли учинчи ўринни қўлга киритган Фарғона вилояти вакилларига учинчи даражали диплом ҳамда «Тико» автомобилини Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси президенти А.Носиров ва Андижон вилояти ҳокими ўринбосари А.Содиқовлар топширди. Шунингдек, «Баркамол авлод» мусобақаларида энг иқтидорли ва умидли спортчилар, дея эътироф этилган бир қатор жамоалар вакиллари ҳам тақдирландилар. Хусусан, бадиий гимнастика йўналиши бўйича Навоий вилояти терма жамоаси аъзоси Юлдуз Умарова «Нафосат маликаси», сузиш бўйича андижонлик Александр Мартьянов «Энг кўп медаллар соҳиби», қизлар жамоалари ўртасида Қорақалпоғистон республикаси баскетболчилари ҳамда ўсмирлар ўртасида Қашқадарё вилояти волейболчилари «Ғалабага бўлган иродаси учун», самарқандлик Суҳроб Неъматов «Баркамол авлод — 2003» спорт ўйинлари «Футбол юлдузи», Андижон вилояти боксчиси Жўрабек Мелибоев «Шижоат ва интилиш самараси» номинациялари бўйича қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Сўнгра ҳафта давомида бутун Андижонга, унинг халқи ва меҳмонлари қалбига нур таратиб турган ўйингоҳ пештоқидаги машъала ўчирилди ҳамда мезбонлар «Баркамол авлод» ўйинларининг рамзий байроғини Тошкент вилояти спортчиларига топширдилар. Ва «Баркамол авлод — 2005» ўйинлари пойтахт вилояти, яъни машъала ёндириладиган диёрда ўтказилиши маълум бўлди.

Ўйингоҳ узра Ўзбекистон халқ артисти Ю.Усмонованинг «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» қўшиғи янграган вақтда барча «Баркамол авлод» ўйинлари иштирокчилари бирлашдилар ва қўшиққа жўр бўлдилар. Бобур юрти Андижоннинг шукуҳли оқшомида мушакбозлик авж олган чоғида ёш спортчилар бир-бирларини табрикладилар ва шу тариқа академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг республика финал мусобақалари якунига етди.



«Баркамол авлод — 2003» спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев ва Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматовлар иштирок этди.

«БАРКАМОЛ АВЛОД»ДА РИНГ ҚИРОЛЛАРИ

«Баркамол авлод — 2003»нинг 2001 йил Жиззах вилоятида бўлиб ўтган мусобақалардан ёки мактаб ўқувчилари-



нинг «Умид ниҳоллари», талаба ёшларнинг «Универсиада» мусобақаларидан фарқли жиҳати бу сафар унинг таркибига бокс, оғир атлетика турларининг киритилганлигидир. Зеро, уларнинг иккиси ҳам спортчидан бошқа турларга нисбатан кўпроқ меҳнат, сабр-бардош, мустақил равишда ғалабага интилишни талаб этади.

Шу маънода ўзбек боксининг юлдузларига айланган Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Сергей Михайлов, Ўткир Ҳайдаровлар номлари ғурур билан тилга олиниши шубҳасиз. Зеро, уларнинг давомчилари саналган «Баркамол авлод» ўйинлари иштирокчилари ҳисобланмиш ёш чарм қўлқоп усталари ҳам 48, 51, 54, 57, 60, 64, 69, 75 килограммгача бўлган вазн тоифаларида рингга чиқдилар. Вилоят теннис маркази спорт залида ҳар бири икки дақиқагача бўлган 4 раунддан иборат жанглар мухлисларнинг катта қизиқишлари ва гулдурос қарсаклари остида ўтди. Аввалига мусобақанинг финал қисмида 48 килограммгача бўлган боксчилар рингга кўтарилдилар. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида санаб ўтилган бокс юлдузлари ҳам айнан Андижон бокс мактаби вакилларидир. Кузатувчилар эса мусобақалар бошланиши аввалидаёқ андижонлик боксчилар юқори кўрсаткичларни қўлга киритишларини тахмин этган эдилар. Худди шундай ҳам бўлди ва фарғоналик рақиби Э.Жўраев устидан 5:0 ҳисобида ғалаба қозонган мезбон жамоа аъзоси Раҳмонбек Тошматов андижонликлар учун илк олтин

АБАДИЙ ҚОЛДИ

медални тақдим этди. 51 килограммгача бўлган курашчилар ўртасида Жиззах вилояти вакили Ж.Каримов 4:1 натижа билан фарғоналик Б.Каримовни мағлубиятга учратган бўлса, 54 килограммлик боксчилар ўртасида яна бир андижонлик Ф.Тожибоев ўз жамоасининг олтин медаллари сони ошишига сабабчи бўлди. Шунингдек, 57 кг. (С.Тожибоев), 60 кг. (Р.Жўрабоев), 69 кг. (Ж.Мелибоев) вазн тоифаларида ҳам мезбонлар шоҳсупанинг юқори поғонасини банд этдилар. 64 кг. вазнда Жиззах вилояти жамоаси аъзоси Э.Зокиров 2:3 натижа билан наманганлик Р.Раззоқовга имкониятни бой берган бўлса, энг оғир 75 килограммли вазнда рингга кўтарилган андижонлик Ли Дмитрий ва бухоролик Аббос Отабоевлар учрашувида омад меҳмон боксчига кулиб боқди. Ва шу тариқа Андижон терма жамоаси 5 та олтин ва 1 та кумуш медал жамғариб умумжамоа ҳисобида биринчи, 3 та кумуш ҳамда 2 та бронза медал билан Тошкент вилояти вакиллари иккинчи, 3 та кумуш ва 1 та бронза медал билан фарғоналиклар учинчи ўринни банд этдилар.

Биз эса 48 килограммда чемпионликни қўлга киритган Асака педагогика коллежининг жисмоний тарбия йўналиши бўйича II курс талабаси Раҳмонбек Тошматовни суҳбатга чорладик. Унинг айтишича, 5 йилдан буён мураббийи М.Аҳмадалиевдан олган сабоқларининг илк бор катта миқёсдаги самарасини бугун кўрди. Бугун у ўз вилояти шарафини муносиб ҳимоя қилиб, Андижон жамоасига биринчи олтин медални туҳфа этди. Ҳозирга қадар 32 та жанг ўтказиб 27 тасида ғалаба қозонган, спорт усталигига номзод бу йигитча 2002 йил Қува шаҳрида, бу йил эса Фарғонада бўлиб ўтган Республика биринчиликлари совриндори ҳам саналади. Унинг мақсади бокс борасида ўзидан катта авлод ҳисобланган Муҳаммадқодирлар изидан бориш ва Ўзбекистон байроғининг халқаро мусобақаларда, жаҳон олимпиада ўйинларида баланд ва мунтазам ҳилпирашини таъминлаш учун муносиб ҳисса қўшишдир.

Биз, шунингдек, 1998 йил Хитойда бўлиб ўтган Жаҳон кубогининг бош совриндори, 1999 йилги Жаҳон ва Осиё чемпиони, 2000 йил Сидней шаҳридаги XXVII ёзги Олимпиада ўйинлари ғолиби, 2003 йил профессионал бокс бўйича олтин камар соҳиби, «Шуҳрат» медали, «Ўзбекистон ифтихори» нишони, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи» Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг ҳам «Баркамол авлод» ўйинлари таркибидан ўрин олган бокс мусобақалари ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

А.Абдуллаев: «Мен бундай оммавий спорт ўйинларига бокс турининг ҳам киритилганлигидан жуда хурсандман. Негаки, бугун ёшлар орасида унга бўлган қизиқиш юқори даражада. Шу сабаб бўлса керак, замонавий ринг ўрнатилган ушбу муҳташам сарой ҳам кўриб турганингиздек томошабинлар билан тўлган. Ҳукуматимиз томонидан яратилган бундай шароитлар учун миннатдорчилик билдирган ҳолда, юртимиздан етишиб чиқаётган ёш боксчиларнинг биздан-да юқори кўрсаткичларни қўлга киритишларига омад тилайман».

Ҳа, бокс юлдузи айтганидек, бугун ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор эртага самара бериши ва уларнинг ютуқлари юксак бўлиши тайин.

ОҒИР АТЛЕТИКА

Андижонда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» республика спорт ўйинлари кундалигидан ўрин олган оғир атлетика беллашувлари спорт дастурига бу йил янги тур сифатида киритилган олтита спорт туридан биридир. Ушбу мураккаб спорт турида бу гал Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва мамлакатимиз вилоятларидан келган 100 дан ортиқ полвонлар Хонобод туманида ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Мутахассисларнинг фикрича, оғир атлетика мусобақаларида иштирок этган ёшлар ўз имконият ва маҳоратларини тўлақонли намойиш этдилар. Мусобақа доирасида 51, 56, 62, 69, 77, 82 ҳамда 94 кг вазнли иштирокчилар ўзаро баҳслашдилар. Энг қизиқарли беллашув эса мусобақаларнинг илк куни ўтказилган 51 кг вазнлилар ўртасида бўлиб ўтди, десак муболаға бўлмайди. Шу куни кўтаринки руҳда майдонга тушган андижонлик Мансур Мамажонов ушбу турда ўз вазнида дастлабки рекордни ўрнатди. У жами 177.5 кг. вазндаги штангани даст кўтариб, олтин медаль соҳибига айланди. Шунингдек, Тошкент вилояти жамоаси вакили Лутфиддин Сулаймонов 172,5 кг. вазндаги тошни кўтариб, ўз устунлигини намойиш этиб иккинчи ўринни олган бўлса, қашқадарёлик Луқмон Тўрабоев 170 кг штангани кўтариб, учинчи ўринни қўлга киритди.

— «Баркамол авлод» ўйинлари спортдаги маҳоратимни ошириш, ўз имкониятларимни яна бир бор намоён қилишда қўл келди, — дейди Мансур Мамажонов. — Мусобақа жараёнида бошқа оғир атлетикачи тенгдошларим, мураббийлар билан яқиндан танишдим. Уларнинг тажриба, имкониятлари ва маҳорат мактабларининг ўзига хос ибратли жиҳатларини ўрганишга ҳаракат қилдим. «Баркамол авлод» спорт мусобақалари баҳслари янги марраларни эгаллашимда қўл келишига ишонаман. Чунки, яқин кунларда мамлакатимиз пойтахтида ўтадиган оғир атлетика бўйича очиқ чемпионат баҳсларида қатнашиб, яхши натижаларни қўлга киритишни кўзлаб турибман.

Оғир атлетика баҳсларида 69 кг вазнли ўсмирлар ўртасида кечган беллашувда қорақалпоғистонлик Баҳром Мендибоевнинг полвонлигига кўпчиликнинг ҳайрати ошди. Боиси, у ўз вазн тоифасида рақибларидан анчайин устунлигини намойиш қилиб, жами 272,5 кг. вазнли штангани кўтаришга муваффақ бўлди. 62 кг. вазндаги ўсмирлар баҳсида яна бир Андижон вилояти вакили Азизжон Аҳмадалиев яхши натижага эришган бўлса, 77 кг. вазндаги самарқандлик Рамз Самдилов 270 кг. тошни кўтариб, шоҳсупанинг юқори ўрнини эгаллади.

Оғир атлетика бўйича умумжамоа ҳисобида Андижон вилояти ёшларининг қўли баланд келди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилояти спортчиларига насиб этди.

ФУТБОЛ

Футбол мусобақаларининг ярим финал ва якуний финал учрашувлари кескин ва муросасиз кечди.

10 июнда ярим финал мусобақалари билан ҳал қилувчи босқични «Шаҳрихон» стадионида Жиззах ва Самарқанд жамоалари бошлаб бердилар. Иккинчи бўлим аввалида Самарқанд жамоаси вакили Ҳамдам Раҳмонов жиззахликлар дарвозаси томон белгиланган ўн бир метрлик жарима тўпини хатосиз йўллаб, ўз жамоасини финалга олиб чиқди.



Олтинкўл тумани стадионида бўлиб ўтган иккинчи учрашувда эса кутилмаган натижа қайд қилинди. Яшил майдонда тўп сурган Тошкент ва Бухоро вилояти футбол жамоалари беллашувида дарвозаларга 11 та тўп киритилиб, 6:5 ҳисоби қайд қилинди ва финалда пойтахт вилояти футболчилари иштирок этадиган бўлдилар. Бухоролик футболчилар эса учинчи ўрин учун кураш олиб борадиган бўлишди.

Хуллас, 11 июнь куни яшил майдонга дастлаб 3-4-ўринлар учун кураш олиб борадиган Жиззах ва Бухоро вилояти футбол жамоалари тушдилар. Ушбу ўйин жиззахлик футболчиларнинг тўла устунлигида ўтди ва жавобсиз киритилган 5 та тўп Жиззах вилояти ёшларига бронза медалини тақдим этди.

Сўнг майдонга тушган Тошкент ва Самарқанд вилоятлари учрашувида омад пойтахт вилояти футболчиларига кулиб боқди. Финал мусобақасининг 10-дақиқасида Равшан Шерматов томонидан киритилган тўп Тошкент вилояти футболчиларининг «Баркамол авлод-2003» мусобақаларида тўла устунлигини амалда исботлади.

СПОРТЧИЛАР АНДИЖОНЧА ЭЪЗОЗДА

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг «Баркамол авлод-2003» республика спорт ўйинлари доирасида кўплаб маданий-маиший тадбирлар ҳам бўлиб ўтди. Аксарият спортчилар учун дам олиш куни Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган ёшлар сайли спорт ўйинлари иштирокчилари билан гавжум бўлди. Республикамизнинг турли минтақаларидан келган барча спорт байрами қатнашчиларини Андижоннинг қоқ марказида қад ростлаган серфайз ва хушҳаво оромгоҳ ўз бағрига олди. Замонавий андозаларда, ўзига хос меъморчилик анъаналари асосида бунёд қилинган 6 минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, эзгулик, тинчлик, дўстлик, ҳалоллик рамзи бўлган, боғ сатҳига ўзига хос кўрк, салобат бағишлаб турган Ҳумо қушининг бетакрор монументи спортчи ёшлар диққатини тортди.

Шу куни маданият ва истироҳат боғидаги барча аттракцион ва кўнгилочар ўйинлар ёшлар ихтиёрида бўлди. Уларнинг барчасига жонга ором берувчи музқаймоқлар улашилди. Вилоятда ижод қилаётган таниқли ижодкорлар билан кечган учрашув, санъат усталари ижросидаги катта концерт байрам шукуҳига-шукуҳ қўшди. Ёшлар сайлида сузиш бўйича биринчиликни қўлга киритган бир гуруҳ спортчиларга олтин медаль ва қимматбаҳо совғалар улашилди.

Бундай тадбирлар спорт ўйинлари ўтказилаётган бошқа шаҳар ва туманларда ҳам бўлиб ўтди. Кураш, белбоғли кураш ва оғир атлетика мусобақаларида иштирок этаётган спортчи ёшлар хушманзара Хонобод шаҳрининг сўлим табиатига ошуфта бўлдилар. Баланд тоғ чўққиларида яратилган гуллар водийсига уюштирилган саёҳатлар мусобақа қатнашчиларига олам-олам завқ бағишлади.

«Баркамол авдод — 2003» спорт мусобақаларининг натижалари

	Вилоятлар	Баскетбол ўғил болалар		Баскетбол қиз болалар		Волейбол ўғил болалар		Баскетбол қиз болалар		Футбол		Теннис		Стол тенниси		Шахмат		Кураш		Белбоғли кураш		Қўл тўпи ўғил болалар		Қўл тўпи қиз болалар		Енгил атлетика		Сузиш		Бадиий гимнастика		Оғир атлетика		Бокс		Жами	
		Ў	О	Ў	О	Ў	О	Ў	О	Ў	О	Ў	О	Ў	О	Ў	О	Ў	О	Ў	О	Ў	О	Ў	О	Ў	О	Ў	О	Ў	О	Ў	О	Ў	О	Ў	О	очко	ўрин
1	Қорақалпоғистон Р.	6	9	6	9	11	4	9	6	9	6	12	3	12	3	8	7	14	1	8	7	12	3	9	6	14	1	14	1	11	4	2	13	7	8	91	10
2	Андижон в.	1	15	1	15	1	15	3	12	5	10	1	15	1	15	3	12	4	11	1	15	1	15	1	15	2	13	1	15	7	8	1	15	1	15	231	1
3	Бухоро в.	10	5	4	11	5	10	12	3	4	11	4	11	8	7	12	3	1	15	11	4	6	9	7	8	7	8	9	6	2	13	8	7	5	10	141	7
4	Жиззах в.	12	3	12	3	12	3	11	4	3	12	7	8	10	5	7	8	3	12	13	2	8	7	8	7	9	6	12	3	14	1	13	2	4	11	97	9
5	Қашқадарё в.	4	11	7	8	4	11	6	9	8	7	3	12	13	2	4	11	7	8	10	5	11	4	13	2	6	9	8	7	12	3	11	4	13	2	115	8
6	Навоий в.	7	8	11	4	3	12	13	2	14	1	14	1	14	1	10	5	9	6	12	3	14	1	5	10	13	2	4	11	3	12	14	1	12	3	83	13
7	Наманган в.	3	12	3	12	7	8	2	13	7	8	5	10	3	12	6	9	8	7	2	13	9	6	4	11	8	7	3	12	9	6	10	5	8	7	157,5	4
8	Самарқанд в.	5	10	8	7	10	5	7	8	2	13	6	9	3	12	2	13	2	14	5	10	4	11	11	4	5	10	10	5	5	10	4	11	10	5	155,5	5
9	Сурхондарё в.	8	7	13	2	9	6	10	5	12	3	8	7	11	4	5	10	6	9	14	1	7	8	12	3	11	4	13	2	13	2	9	6	9	6	85	12
10	Сирдарё в.	14	1	14	1	8	7	14	1	10	5	13	2	7	8	9	6	13	2	7	8	13	2	10	5	12	3	7	8	10	5	12	3	14	1	68	14
11	Тошкент в.	11	4	2	13	6	9	5	10	1	15	11	4	6	9	1	15	11	4	4	11	10	5	2	13	1	15	6	9	6	9	3	12	2	13	170	2
12	Фарғона в.	9	6	9	6	2	13	4	11	6	9	9	6	2	13	13	2	10	5	3	12	3	12	3	12	3	12	2	13	4	11	5	10	3	12	165	3
13	Хоразм в.	13	2	10	5	14	1	8	7	13	2	2	10	5	10	14	1	12	3	6	9	5	10	14	1	10	5	11	4	8	7	6	9	6	9	90	11
14	Тошкент ш.	2	13	5	10	13	2	1	15	11	4	11	4	9	6	11	4	5	10	9	6	2	13	6	9	4	11	5	10	1	15	7	8	11	4	153	6

Саҳифа материалларини «Ma'rifat»нинг махсус мухбирлари О.СИДДИҚОВ, К.АЛИОХУНОВ, М.ИСРОИЛОВлар тайёрлади. Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар

Men ne-ne olimu fuzalolar, donishmandlar Vatani hisoblanmish ushbu o'lkada tug'ilganimdan faxrlanaman. Undagi bir qarich yer, bir siqim tuproq, bir qultum suv, bir nafas havo, bir shingil meva, istarali insonlari aytgan bir og'iz shirin so'zi men uchun muqaddas.

Tahlil

DADIL FIKR, ЁРҚИН БАЁН, ҚАТЪИЙ ХУЛОСАЛАР

Шу кунларда илм масканларига қадам боссангиз, бироз жимжитликни ҳис қиласиз. Ўғил-қизлар одатдагидан кўра мулоҳазалидек туюлади кишига. Дарҳақиқат, айни пайтда битирувчилар жиддий синовлардан ўтишаяпти. Йиллар давомида ўзлаштирган тушунчалари баёнини устозларига сўзлаб беришаяпти, шулар баробарида ёзма саводхонлигини ҳам намоён этишмоқда. Айниқса, 11-синф ўқувчилари йиллаб тўплаган пухта билимларига таянган ҳолда ҳар бир имтиҳондан муваффақиятли ўтиш ҳаракатида бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунончи, улар ёзган иншоларни варақлар эканмиз, битирувчиларнинг ўз фикрларини дадил, қатъий айта олганликларига, билимлари мустаҳкам эканига гувоҳ бўлдик. Жумладан, Шайхонтоҳур туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактабининг 11-"Б" синф ўқувчиси Гулчеҳра Тўлаганованинг фикрларида қатъийлик билан бирга ўзига хос ўктамлик бор:

"Ватан" атамаси аслида арабча сўз бўлиб, она юрт маъносини билдиради. Қалбида Ватан туйғуси бўлган, ўз Ватанини аниқ идрок этган, Ватан қисматини ўз қисмати деб билган ва унга маънан тайёр одамнинг мақсад-муддаолари аниқ бўлади. Тоғдек таянчи — Ватани олдидаги бурчи ва масъулиятини ҳис этган инсон ҳаётнинг ҳар қандай синовларига доимо тайёр туради.

Мен не-не олиму фузалолар, донишмандлар Ватани ҳисобланмиш ушбу ўлкада туғилганимдан фахрланаман. Ундаги бир қарич ер, бир сиқим тупроқ, бир қултум сув, бир нафас ҳаво, бир шингил мева, истарали инсонлари айтган бир оғиз ширин сўзи мен учун муқаддас.

Ватан туйғусини бир сўз билан ифодалаб бўлмайди. У инсон қалбида жўш урувчи, дилни ларзага солувчи куч. Бу куч инсонда болалигидан, она алласидан вужудга келади. Ватан шунчаки, инсон киндик қони тўкилган энг азиз маскан бўлибгина қолмай, инсонни инсон сифатида камол топтирган "буюк мерос", "азиз хотира", муқаддас замин ҳамдир.

Ҳар бир инсон қалбида Ватанга бўлган муҳаббат инсонпарварлик туйғуси орқали мужассам бўлади. Шу маънода Ватанга халқ ўтмиши, бугуни ва келажагини ифодаловчи энг муқаддас тушунча сифатида қараш мумкин. Энг буюк жасурликлар Ватанга бўлган муҳаббат туфайли вужудга келади. Ўз юртидан юз ўгирганлар ўз виждонидан ҳам юз ўгирадилар.

Ватан равнақи, аввало, унинг фарзандлари камолига боғлиқ. Бу эса ҳар бир юртдошимизни маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаати билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Ватан учун чала иш қилиш — унинг учун ҳеч нима қилмасликдир. Зеро, Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун, инсон ҳаётини қилар бемазмун.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бироқ, ўтмишсиз келажак йўқ. Яқин ўтмишдаги тарих, хусусан, мустабид тузум даври "Ватан" тушунчасини мавҳумлаштирди. Сохта "ҳур Ватан ғояси" орқали "СССР" ватан деб ўргатилди ва инсонлар онгига, қалбига сингдирилди. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон халқи ҳар бир қарич ери, ўзига хос иқлими, бой тарихининг ҳақиқий маъносини англаб ета бошлади.

Мустақиллик Ватан тушунчасини, унга бўлган қараш ва ёндашувларни миллий истиқлол ғояси билан бир сафга қўйди".

Аслида иншо пухта режа асосида бир нафас билан ёзилиши зарур. Шунинг баробарида иншо стилистик боғланган бўлса, у муносиб баҳога сазовор бўлади. Собир Раҳимов туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактабининг 11-"А" синф ўқувчиси Умида Сагатова томонидан ёзилган иншода ана шу хусусият мужассам. Жумладан, унинг "Ватан маҳалладан бошланади" мавзусидаги иншоси шундай бошланган:

"Ватан — муқаддас даргоҳ. Аждодлардан авлодларга буюк мерос, азиз хотирадир. Шу боис Ватан деганда биз фақат мана шу юрт тупроғини эмас, балки бу заминда бўй кўрсатган гиёҳдан тортиб, унинг дарёю сойлари ва тоғу тошларигача, оддий ва камтар, меҳнаткаш ва фидойи, мард ва паҳлавон одамларидан то энг митти жониворларигача — ўзимиз туғилиб, униб-ўсган макон билан боғлиқ нарсаларнинг барчасини тушунамиз. Ватан тупроғидаги оддий тош ҳам бизга муқаддас бўлиб туюлади. Шунинг учун аждодларимиз юрт тупроғини кўзларига тўтиё этган, қайга борса ҳам Ватан ёди билан нафас олган, уни ёт назарлардан, шум ниятлардан ҳимоя қилган. Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради".

Умида ўз иншоси якунида шундай фикрларни ўртага ташлайди: "Ватан, маҳалла тупроғини кўзимизга суртиб, уни "қора" кўзлардан, ёвуз ниятлардан асраб-авайлаш биз ёшлар учун ҳам фарз, ҳам қарздир".

Дарҳақиқат, она-юртни асраб-авайлаш, Ватанни севиш фарз. Аввало, Ватанни севмоқ учун она-юрт, фироқ, ҳижрон, айрилиқ тушунчалари туб моҳиятини чуқур англаб етмоқ зарурга ўхшайди.

Чунончи, ўқувчилар бу жиҳатни эътибордан қочирмаганлар. Жумладан, Яккасарой туманидаги 118-умумий ўрта таълим мактабининг 11-"А" синф ўқувчиси Севара Сайдалиева Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига мурожаат қилиб, "Бобур лирикасида она-Ватан ҳижрони" мавзуси доирасида атрофлича фикр юритган. Севара шоҳ ва саркарда Бобурга таъриф бера туриб, ҳаётда хорлик ва зорликни, шон-шавкат ва тантанани керагидан ортиқ тортган бу нозиктаъб шахс йирик давлат арбоби бўлиши баробарида етук лирик шоир, истеъдодли тарихнавис ва баркамол олим ҳам эди, деб ёзади ва йироқларда юрса-да, киндик қони тўкилган юртини, Ватанини жонидан ортиқ севганига урғу беради: "Муаллифнинг муносабати ва шарҳлари шеърдаги соғинч ва дардни, Ватандан айрилиш фожиасини кучайтириб боради. Ким у "лоларуҳ?" Сарв-чи? Нега шоирнинг лирик қаҳрамони унинг оёғига барги хазондек тушиб, мунча ёлворади?

У — Ватан! Фақат Ватангина безавол, абадий яшиллик масканидир. Фақат угина муқаддасдир. Чунки авлодлар келиб-кетаверадилар, у эса собитдир.

Дарҳақиқат, Ватан иштиёқи, ғурбат изтироби Бобурга қадар ҳеч бир шоирда бунчалик ёрқин ва бетакрор ифодаланмаган эди.

Бобур мисраларининг равонлиги ва оҳангдорлигини кучайтириш учун ички қофиялардан ҳам моҳирлик билан фойдаланди.

Бобур шеърларидаги ҳиссаяжонни кучайтирувчи хитоб, сўроқ Ватан ҳақидадир. Улар Ватандан жудолик азоби, у билан бўла олмаслик изтиробларини, ғарибликнинг ҳасрат ва надоматларини ифодалайди. Шоир буларнинг ҳаммасини тақдири азалдан, деб билади:

Толеъ йўқи жонимга
балолиғ бўлди,
Не ишники айладим,
хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб,
Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин,
не юз қаролиғ бўлди.

Бобур Афғонистон ва Ҳиндистонни эгаллаб, катта империя тузди. Бироқ у умрининг охиригача туғилиб ўсган юртидан — диёридан кўнгил узолмади, ватанига қайтиш фикридан кечмади:

Беқайдмену хароби
сийм эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур
лайм эрмасмен.
Қобулда иқомат этти
Бобур, дерсиз,
Андоқ демангизларки,
муқим эрмасмен".

Эътибор қилсангиз, ушбу рубоийда тож-тахт талашишлари туфайли ўз диёрини тарк этишга мажбур бўлган Бобурнинг изтироблари ифодаланган. Биз-чи? Бу каби соғинчномалардан тегишли хулосалар чиқараяпмизми? Севара иншосини якунлар экан, бундай номалар ўқувчининг ҳис туйғуларига, кечинмаларига ва шуурига кучли таъсир кўрсатишини, ўзига тегишли хулосалар чиқариб олишига кўмаклашишини қайд этади.

Собир Раҳимов туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактаби битирувчиси Нилуфар Нуриддинова ҳам "Ватан маҳалладан бошланади" мавзусига ўзига хос тарзда ёндашиб, маҳаллани катта оилага қиёслайди, унинг ободлиги, осойишталиги йўлида ўз ҳиссасини қўшиб бораётганини баён қилади.

Шунингдек, 11-синф ўқувчиларидан Сайёра Дўстмуҳаммедова (118-мактаб)нинг "Кумушбиби ва Зайнаб тимсолларига қиёсий тавсиф", Гулчеҳра Абдуқодирова (70-мактаб)нинг "Ватан ягонадир", Маҳмуд Якубов (203-мактаб)нинг "Аждодларимиз мероси — бебаҳо хазина", Ҳакима Қаюмова (203-мактаб)нинг "Абдулла Ориповнинг "Жаннатга йўл" достонида олижаноб инсоний фазилатлар мадҳи" мавзуларида ёзган иншоларида ҳам теран фикр, тиниқ тасаввур борлигидан қувонасиз. Мустақил фикрли ёшлар улғаяётганидан фахрга тўласиз. Энг қувончлиси, бу ўғил-қизлар Ватанни севмоқ фарзлигини, жаннатмакон диёр Ўзбекистон ягоналигини такрор ва такрор айтишаётир. Бундай дадил, қатъий фикрли ёшларга қарата шундай дегимиз келади: Қатъиятлилик ҳамиша сизларга ёр бўлсин!.

Гулнора ЭРГАШЕВА,
Тошкент шаҳар
ХТББ методисти,
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ҚИШЛОҚ МАКТАБИГА КОМПЬЮТЕР СИНФИ

Taqdimot

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида Тошкент вилояти Паркент туманидаги "Навбаҳор" қишлоғида жойлашган 38-ўрта мактаб ўқувчиларига компьютер синфини топшириш тақдимоти бўлиб ўтди. Болаларни ҳимоя қилиш куни ушбу туман болаларига қўшалоқ хурсандчилик ҳадя этди. Буни ўқувчиларнинг ўзлари компьютерларни совға қилган "Ўзбек-Силм" маърифий уюшмаси ходимларига билдиришди. 11 ёшлилар учун мўлжалланган ушбу компьютер синфлари махсус ускуналар билан жиҳозланган. Ва ўқувчиларнинг барча фанларни ўзлаштириб олишларини таъминлаш учун "Пентиум-2" компьютерлари ягона тармоққа уланган. Шунингдек ҳар бир ўқувчи ёруғ доскада рангли маркерлар билан турли хил схема ва чизмаларни чизиб, принтердан ҳам фойдаланиши мумкин.

— Болалар ушбу ёшда янги мавзуларни тезда илғаб, ўзлаштириб оладиган бўлади — дейди "Ўзбек-Силм" маърифий уюшмасининг ўқитиш ва фойдаланиш бўйича инструктори Баҳодир Каримов. — Худди шундай компьютер синфи ушбу йилнинг 1-чорагида Сирдарё туманидаги 21-умумтаълим мактабида ҳам очилган эди. Улардан билдикки, қишлоқ болалари нисбатан синчков, мустақим ўтириб ишлайдиган ва тиришқоқ бўлар экан.

Мазкур тадбир давомида "Ўзбек-Силм" ўзбек-турк маърифий уюшмасининг бош директор ўринбосари Уста Селил ўқувчиларга ўз тилакларини билдирди. Шу қатори тақдимот маросимида иштирок эттан ХТВ умумий ўрта таълим бошқармаси бошлиғи Анвар Зокиров, Тошкент вилоят касаба уюшмаси раиси Шуҳрат Йўлдошевлар ҳам ўқувчиларга яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Шу куни Паркент тумани марказида ҳашар йўли билан қурилган "Кичкинтой" болалар истироҳат боғи ҳам очилди.

МУХБИРИМИЗ



Суратда: компьютер синфида.

В.ГРАНКИН олган сурат.

АСЛИДА МАҚСАДИМИЗ БИТТА

Ўтган асрнинг бошларида халқимизнинг чин фарзанди, буюк миллатпарвар ва маърифатпарвар инсон Маҳмудхўжа Беҳбудий «Театр ибратхонадир» деб ёзган, ўзбек драматургиясига асос солиб, «Падаркуш» драмасини яратганди. Орадан шунча йиллар ўтганига қарамай, М.Беҳбудийнинг ушбу сўзлари қайта-қайта ўз исботини топиб турибди.

Бугунги кунда жадидлар асос солган театрлар янгича кўриниш касб этиб, янги-янги қирраларини намоён этмоқда.

Театр санъати, ушбу санъатнинг халққа, миллатга нечоғли фойда бериши, театрда актёрнинг ўрни хусусидаги саволларга жавоб топиш истагида биз Ўзбекистон халқ артисти Дилбар Икромова билан суҳбатлашдик.

Дилбар Икромова узоқ йиллардан буён Ўзбек Миллий академик драма театрида фаолият кўрсатиб келмоқда. У киши яратган қатор образлар барча томошабинлар юрагидан жой олган. «Келинлар қўзғолони» спектаклида Нигора, «Чимилдиқ» ҳамда «Қаллиқ ўйини»да момо, кинофильмлардан эса «Ёлғиз ёдгорим»да она, «Келинлар қўзғолони»да Сотти, «Маъруф ва Шариф» кинокомедиясида қўшни аёл образларини ҳамма бирдек яхши кўради, ҳамма бирдек ёқтиради.

Актриса ижро этган ролларда у кишининг янги қирраси, янги бир истеъдоди кўринаверади. Кўпчилик Дилбар Икромовани комик актриса сифатида билади. Лекин меҳмонимиз драматик талқиндаги образларни ҳам қойилмақом қилиб ижро этган.

— Дилбар опа, сиз театрда қўйилган «Келинлар қўзғолони» спектаклида Нигора, худди шу номдаги кинофильмда эса Сотти образини яратгансиз. Иккиси ҳам ўзига хос, иккиси ҳам бирбирини такрорламаган. Бу образларни яратиш сизга қийин бўлмаганми?

— Йўқ. Ҳар икки образни яратиш менга қийин бўлмаган. Негаки, мен актрисаман, ўзимга топширилган ҳар қандай ролни қиёмига етказиб ўйнаш, шу образ орқали режиссёр, драматург, сценарий муаллифи нима демоқчилигини томошабинга етказиб бериш менинг вазифам. Шунинг учун кинодами ёки театрда ҳар қандай ролни маромига етказишга жон-жаҳдим билан ҳаракат қиламан. Ахир ҳар бир нарсага осонлик билан эришиб бўлмайдику.

— Ижодингизни бойитиб борувчи манбалар нима?

— Албатта меҳнат. Биласизми, меҳнатсеварлик — энг яхши фазилатларнинг бири. Сиз қанчалик кўп изланасангиз, ўқисангиз, ўргансангиз ўшанда юксалиб боравересиз. Ижодингиз ҳам янги роллар, янги образлар билан бойийди.

— Театр муқаддас ва улуғ даргоҳ дейишади. Унинг муқаддаслигини нималарда кўрасиз?

— Саҳнада. Нега деганда ҳар бир томошабин театрга киргач, у ердан икки соат ичида руҳий озуқа олиб, қалбан бойиб чиқиб кетади. Актёр учун ҳам саҳна муқаддас жой. Унинг саҳнада юраги бошқача ура бошлайди. У саҳнада чархланади. Саҳнанинг муқаддас ва улуғлигини ҳис қилиш учун одам санъаткор бўлиши керак. Ана шу саҳна ҳаётини ҳеч бўлмаганда бир-икки бор кўрган бўлиши лозим. Муқаддас ва улуғ деган сўзни ҳар қанча ишлатмайлик, унга таъриф бермайлик, барибир унинг муқаддаслигини тўлиқ очиб беролмаймиз.

Саҳнанинг сирими ёки илоҳий бир нарсаси бор-да. Буни кимдир мўъжиза деб билади, кимдир сир деб айтади. Масалан ўзим ҳам театрнинг улуғ даргоҳлигини ичимдан ҳис қиламан. Кайфиятим ёмон бўлган пайтларда ёки касаллик туфайли «бугун спектаклда қатнашолмасам керак» деб ўйлаган вақтларимда навбатим келиб, саҳнага чиқиб роль ижро этишни бошласам, негадир бутун чарчоқларим, касаллигим, кайфиятимнинг ёмонлиги ёдимдан кўтарилиб кетади. Саҳнада бошқа бир одамга айланиб қоламан. Агар уйдан касал ҳолимда чиқиб, театрга борсам, билмайман нега бундай бўлади, уйга тузалиб қайтиб келаман. Худди бошим оғримагандек, қон босимим кўтарилмагандек.

— Сизга роль таклиф қилишса, қайси жиҳатларига эътибор берасиз? Сиз ижро этадиган образ қандай талабларга жавоб бериши керак?

— Ҳар қандай ролга бир томонлама қараб бўлмайди. Унинг энг кичик деталигача эътибор бериш керак. Образни ҳар томонлама таҳлил қилиб чиқаман. Қаҳрамоннинг характери қандай, унинг овози қанақа бўлади, унинг қайси жиҳатларини кўпроқ ёритсам образ ишонарли чиқади, қандай қилсам томошабин қалбидан шу образ жой олади, деган ўйда изланаман, ижод қиламан.

Юқорида бир фикрни айтиб ўтгандим. Мен актёрман. Режиссёр мени қандай ролга лойиқ кўрса, мени қайси образни қиёмига етказиб ижро этади деб ишонса, кейин роль беради-да. Мен учун ролнинг катта-кичиги йўқ. Муҳими ўйнасам, образ яратсам бўлгани.

— Сиз билан бир саҳнада ижод қилаётган қайси ёш актёрларнинг эртанги кунига ишониш мумкин, деб ўйлайсиз?

— Камтар, манманликка берилмаган, ўзига ишонган, ўз устида қаттиқ ишлайдиган актёрларнинг эртанги куни порлоқ бўлади, деб ўйлайман. Саҳнани муқаддас деб билган, мана шу даргоҳга ном қозонаман, шуҳрат қозонаман деб эмас, меҳнат қиламан, энг гўзал, халқнинг хотирасидан бир умр ўчмайдиган образларни яратаман, устозларим, менга умид кўзларини тикиб турган кишилар юзини ерга қаратмайман, деб келган ҳар бир ёш истеъдод эгасини қадрлайман, уларга ишонаман, уларни қўллаб-қувватлайман.

— Томошабин сифатида қайси театрларга бориб турасиз?

— Ҳеч нарсани яширмай очиғини гапираман, — шу пайтгача бирорта театрга бориб, уларнинг бирорта спектаклини томоша қилмаганман. Бу менинг жуда катта айбим, хато-йиим бўлса керак.

Mehmonxona

Ҳар бир театрга бориш, улар яратган саҳна асарларини кўриш, улардан ҳам ўрганиш кони фойда. Қанча кўп билсангиз, қанча кўп кўриб, ўргансангиз ўзингизга наф келтиради-ку. Кўпинча вақт танқислигини сабаб қилиб томошаларга тушмаймиз, гоҳида хоҳиш-истак бўлмайди. Кўпинча репетициялар, спектакллар туфайли бошқа театрларга боролмайман. Лекин кўнглимнинг бир четида бошқа театрлар спектаклларини томоша қилиш истаги доимо бўлган.

— Кўпчилик сизни комик актриса сифатида билади. Лекин «Ёлғиз ёдгорим» кинофильмида Она образини яратиб, истеъдодингизнинг янги бир қиррасини ҳам томошабинларга кўрсатдингиз. Шу фильмда умуман бошқа бир қиёфани яратгансиз. Ҳар сафар «Ёлғиз ёдгорим»ни кўрганимда, сиз ҳақингиздаги фикрларим бойийверади. Томошабинларнинг фикрини ўзгартиришга сабаб бўлган ушбу образнинг яратилиш жараёни қандай бўлган? Бу образни режиссёрлар талаби билан яратганмисиз ёки ўзингиз режиссёрлардан шу ролни сўраб олганмисиз?

— Фильм режиссёри Собир Назармуҳаммедов мени ушбу ролга таклиф қилганида кўпчилик Дилбар Икромова комик актриса бўлса, драматик талқиндаги бу ролни ўйнай олармикан, томошабин она образида бу аёлни қабул қилармикан, деб ўйлаган экан. Биласизми, комедия жанридаги фильмларда роллар ижро этиб, комик актёр сифатида танилган ҳар қандай санъаткор албатта драматик талқинда бўладими, трагик талқиндами, барчасида бирдек образ яратиб, яратганда ҳам ҳар томонлама мукаммал образ ижро этиб, томошабин меҳрини қозониши мумкин.

Кўпчилик Собир Назармуҳаммедовга ҳам «Нега бу аёлни кучли драматизм талаб этиладиган ролга таклиф қилдингиз. У эплай олармикан» деб айтган экан. Шунда у киши «Бу актрисанинг кўзларида мен яратмоқчи бўлган қаҳрамоннинг барча хислатлари акс этиб турибди. Комик актриса деб айтаётганларинг мана шу актриса она образини ишонарли тасвирлай олади, мен бу аёлнинг истеъдодига ишонаман», деган эканлар.

Бир нарсани қўрқмай айтишим мумкин. Бу фильмда мен меҳнат қилганман, фақат меҳнат. Кучим, имкониятим, истеъдодим етганича ҳаракат қилиб, мана шу образни томошабинга ҳавола этдим. Яна бир гапни айтиб ўтишни хоҳлардим. Мен ишонган образим устида ишлайман, режиссёрлар таклиф қилган ролни дарров олавермайман. Имкониятларим етсагина, ана шу ролни ўйнай олишимга ишонсамгина рол устида ишлашга киришаман.

— Сиз учун кинода роль ўйнаш осонроқми ёки театрда?

— Кино қисқа вақтда суратга олинади. Шунинг учун актёрлар ҳам жуда кам репитиция қилишади. Театрда эса битта спектаклни саҳнага олиб чиқиш учун бир неча ойлар, ҳатто йиллар керак бўлади. Юқорида айтганимдек, актёр меҳнат туфайли репитициялар жараёнида тобланади, ўз ролига мос бўлган янги-янги деталларни топади ва қўйиладиган спектаклларда ўша топилмалар билан образини бойитиб бораверади. Театрда рол ўйнашнинг шуниси яхшики, актёр биринчи томошадан иккинчи томошага етилиб, профессионаллашиб, образини мукаммаллаштириб бораверади. Кинода эса бир марта суратга олиндими, тамом. Уни ўзгартириб бўлмайди.

Ҳаётда жиддий аёлман. Кино ёки спектакллардагидек ҳазилкаш, ҳамма билан бирдек кулишиб, ҳазиллашиб кетавермайман. Лекин шундай бўлса-да, комик ролларни маза қилиб ўйнайман. Образ ишонарли чиқиши учун ўзимни минг кўйга соламан. Шу билан бирга актёрлик менинг қисматим эканлигини ёддан чиқармаган ҳолда драматик руҳдаги асарларни ҳам қойилмақом қилиб ўйнашга ҳаракат қиламан. Ҳозирги кунгача ҳам комик, ҳам драматик характердаги ўнлаб образларни яратдим. Ва бу ролларим мухлисларим қалбидан жой олди.

— Театрни тарбия ўчоғи дейишади...

— Албатта, албатта. Ҳар бир томошабин у комедия жанридаги томошага келадими ёки драмма жанридаги спектаклгами, уни кўрганидан кейин ўзига керакли бўлган хулосани олиб чиқиб кетади-да. Томоша бошланмасдан илгари кулиб, атрофдагилар билан гаплашиб ўтирган киши спектаклдан сўнг бир бошқача бўлиб қолганлигини, ҳатто йиғлаб чиқиб кетганлигини кўрганмиз. Биласизми, ахлоқи ёмон бўлган одамнинг кўнглида спектакль томоша қилгандан сўнг ҳеч бўлмаганда икки-уч соат ёмон ишлар, ёмон ҳаракатлар қилишга интилиш бўлмайди. Ҳар бир инсон умри давомида яхшиликка интилиб яшайди. Биз эса яхшиликни, гўзалликни, умуман эзгуликни тарғиб қилиш учун ҳам санъаткор бўлганмиз. Ҳамма «ёмон бўлмагин, яхши бўлгин» деб айтиши мумкин. Биз мана шу гапни нафақат айтамиз, балки кўрсатиб ҳам берамиз.

— Тарбия ҳақида гап кетганда албатта мактаб даври ёдга тушади. Сизга «Алифбе»ни ўргатган биринчи муаллимангиз ким бўлган?

— Ҳозирги Мирзо Улуғбек туманидаги 307-мактаб биз ўқиган даврларда 10-мактаб деб аталарди. У рус тилида таълим берадиган ўқув даргоҳи эди. Тўғриси, мактабни битирганимга ўттиз йилдан зиёдроқ вақт бўлибди. Биринчи ўқитувчим... фамилияси эсимдан чиқиб кетибди. Лекин исмлари Лариса эди.

— Ўша Лариса опанинг қайси фазилати ёдингизда қолган?

— Жуда-жуда меҳрибонлиги. У кишини онамга ўхшатардим.

— Маннон Уйғур номидаги театр ва рассомчилик институти (ҳозирги Санъат институти)да ўқиган экансиз. Биринчи ўйнаган ролингизни эслай оласизми?

— Ҳамза номидаги (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри) театрга ишга келганимда, бу ерда мени жуда яхши кутиб олишган. Ўша пайтларда «Бой ила хизматчи» спектакли саҳналаштирилаётган экан. Илк бор Мастон образини яратиб саҳнага чиққанман.

Илк бор саҳнага чиққанимда шунақа ҳаяжонланганманки, ҳамма актёрлардан ҳайиққанман. Кўнглимда «шу катта даргоҳда ишлаш насиб этармикан, томошабинлар мени қандай кутиб оларкин, мен уларга ёқаманмикан?» деган саволлар бўлган.

Кейинчалик бу ҳаяжон ўрнини ишга, ролга бўлган талабчанлик эгаллаган. Актёр театрга турли кайфиятларда келади-да. Ва ролга тайёргарлик кўрмасдан туриб ҳам чиқиб ўйнайверади. Хафа бўлиб саҳнага чиқишингиз биланоқ, образга кириб кетасиз, ўша тушкун кайфиятингиздан асар ҳам қолмайди. Бу жавобларим балки, сиз юқорида берган саҳнанинг муқаддас ва улуғлиги тўғрисидаги саволга мос келар?

— Айни кунларда қандай ишлар билан машғулсиз?

— Янги спектакларда роль ўйнаётганим йўқ, лекин киносиновларда иштирок этяпман. Агар бирорта ролга тасдиқланганимни билганимда, ўша фильмнинг номини, қайси образни яратишимни сизга айтган бўлардим. Ҳозир қайси ролга мени лойиқ топишганлигини ўзим ҳам билмайман.

— Дубляжда ҳам қатнашиб турасизми? Негадир бошқа халқлар фильмларида сизнинг овозингизни эшитмаймиз?

— Дубляжда иштирок этмайман. Фақатгина ўзим яратган образларга овоз бераман холос. Дубляжга мени чақиришмайди. Ва нимага чақирмасликлари сабабини ҳам билмайман.

— «Ma'rifat» газетаси мухлисларига тилакларингиз.

— Муаллимлар билан санъаткорларнинг вазифаси бир-бирига яқин деб ўйлайман. Мураббийлар болага «тўғри бўл, илм ол, ақлли бўлишга интил, сени умид билан ўстираётган ота-онанг юзини ерга қаратиб қўйма» дея тарбия берадилар. Биз актёрлар ўйнаган ролларимиз орқали бу фикрларни тўлдирамиз. Ҳар бир ўқитувчига ҳар бир ўқувчисининг комил инсон бўлганлигини кўриш насиб этсин. Ҳар бир мураббийнинг кўнгли, уйи тинч бўлсин. Улар ўқувчиларини театрларга олиб келишни унутиб қўймасинлар.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

Шарифа МАДРАҲИМОВА суҳбатлашди

Mamlakat taqdirini belgilaydigan milliy istiqlol g'oyasini har bir fuqaro ongiga singdirish, har bir kishini shu g'oya bilan hamnafas yashashga o'rgatish muhim hisoblanadi.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ШАҲОДАТНОМАНИНГ ДАВЛАТ НАМУНАСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилган беш тамойилидан бири ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишдир.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳам мазкур тамойилга асосан босқичма-босқич амалга ошириш мўлжалланган бўлиб, ҳар бир босқичнинг аниқ вазифалари бор. Жумладан, дастур ижросининг иккинчи — сифат босқичида таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув-тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилади.

Эътиборга лойиқ томони шундаки, яқинда ниҳоясига етган 2002-2003 ўқув йилида мамлакатимиз умумтаълим муассасаларининг 9-синф ўқувчилари илк маротаба давлат таълим стандартлари, янги ўқув дастурлари ҳамда лотин графикасига асосланган янги ўзбек алифбосида ёзилган. Шаҳодатномага VIII, IX синфларнинг ўқув режасида кўрсатилган ўқув фанлари киритилган бўлиб, ушбу фанлар бўйича ўқувчиларнинг баҳолари қўйилади ҳамда унга "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, психологик-педагогик Республика ташхис маркази тасвияномаси" илова қилинади.

Шаҳодатномаларни топшириш маросимини битирувчиларда Ватани, халқи, таълим муассасаси билан фахрланиш туйғулари ва улар билан ғурурланиш ҳисларини шакллантирадиган сценарий асосида ўтказилиши ҳамда шаҳодатномалар ҳокимликлар, ота-оналар қўмиталари, жамоат ташкилотлари ва ҳомийлар вакиллари иштирокида тантанали равишда топширилиши лозим.

Газетамизнинг 8-, 9-бетларида ўқишингиз мумкин бўлган "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномани битирувчиларга бериш тартиби тўғрисида Низом" ва расмий давлат ҳужжатлари — шаҳодатномаларни битирувчиларга топшириш маросимларини ўтказиш бўйича тавсиялар меъёрий ҳужжатлар сифатида қабул қилиниши талаб этилади.

йил 2 июнда "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномани битирувчиларга бериш тартиби тўғрисида"ги 235-сонли қарорини эълон қилди.

Мазкур қарор билан "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатноманинг давлат намунаси" ҳамда "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномани битирувчиларга бериш тўғрисида Низом" тасдиқланди.

"Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома" давлат намунасидаги ҳужжат бўлиб, ички ва ташқи қисми ўзбек (лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида) ёзилган. Шаҳодатномага

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА МАТБУОТ

Fikr

Ҳар қандай мамлакатни бошқаришнинг сиёсий тизими мавжуд бўлганидек, ўша мамлакат халқининг ўз қарашлари, яшаш ва турмуш тарзи, миллий ғояси ҳам мавжуд. Халқ ғоясиз яшай олмаслигини тарих кўрсатиб турибди. Ғояси бўш мамлакатларда, албатта, миллий ғоя ва мафкурага қарши ёт, бузғунчи ғоя ва мафкуралар юзага келиши мумкин. Дунёнинг у ёки бу мамлакатларида турли сиёсий ниқоблар остида ҳаракат қилаётган, ўзининг ғоясини тан олдиришга ҳаракат қилаётган кучлар қандай тартибсизликлар, террорчилик ҳаракатлари, халқаро жиноятчиликка қўл ураётганини кўриб турибмиз.

Миллий истиқлол ғояси халқимизнинг давлат ва жамиятга нисбатан қарашларини уйғунлаштириб боради. Яъни, жамиятда турли қарашлар мавжуд бўлсада, лекин миллий истиқлол ғояси бутун катта-кичик миллат ва элатларни бир мақсад — ҳуқуқий демократик давлатни қуриш сари ягона халқ бўлиб бирлашишга олиб боради.

Кейинги пайтларда миллий истиқлол ғояси билан боғлиқ тамойил ва тушунчалар айниқса ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда. Лекин, бизнингча бу ғоя аҳолининг барча қатламлари ўртасида ҳар томонлама тарғиб қилиниши керак. Чунки аҳолининг анчагина қисмини қариялар, уйда фарзанд тарбияси ва уй ишлари билан машғул бўлган хотин-қизлар, вақтинча ишламаётганлар ёки бошқа касб эгалари ташкил этади.

Миллий истиқлол ғоясини халққа содда ва оддий тилда тушунтириб бериш, унинг мазмун-моҳиятини очиб бериш, жамиятда бўлаётган ислоҳотлар ва янгиланишлар асосида айнан шу ғоянинг ётганини етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта. Барча оммавий ахборот воситалари миллий истиқлол ғоясини олимлар, мутахассислар, сиёсатчилар ва бошқалар иштирокида ҳар томонлама шарҳлаш, тушунтиришлари керак. Мамлакат тақдирини белгилайдиган миллий истиқлол ғоясини ҳар бир фуқаро онгига сингдириш, ҳар бир кишини шу ғоя билан ҳамнафас яшашга ўргатиш муҳим ҳисобланади. Яъни, ўз мамлакатининг келгуси салоҳиятини кўриш ва мустақилликни мустаҳкамлаш кучли ғояга эга бўлганларга ҳар жиҳатдан боғлиқдир.

Миллий истиқлол ғояси билан боғлиқ ҳар қандай янгилик ва ахборотларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиб бориши самарали натижа бериши мумкин.

Асрор ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎзМУ фалсафа факультети талабаси

ВАТАН МАДҲИ ҚЎШИҚҚА КЎЧДИ

O'zbekiston — Vatanim manim

«Энг гўзал ва дилбар қўшиқлар ҳам Ватан ҳақидаги қўшиқлардир. Бундай жозибадор қўшиқлар эл-элатларни бирлаштиради, уларни тинч-тотув ва осойишта яшашга, Ватанни ҳар жиҳатдан юксалтиришга, кўз қорачиғидай авайлаб асрашга ва кўксини қалқон қилиб, ҳимоя қилишга даъват этади», — деб таъкидлаган эди Юртбошимиз. Ҳар йили кенг нишонланиб келинадиган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрамларида Ватанга муҳаббат ва садоқат, юрт ишқи, юрт соғинчи каби туйғулар маҳоратли санъаткор ва ёш истеъдодлар ижроларида сезилмоқда. Қувонарлиси, бундай кўрик-танловларни ўтказиш Республикамиз олий ўқув юртлари талабалари орасида ҳам анъанага айланган.

Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган олий ўқув юртлариаро Республика қўшиқ кўрик-танловининг якуний босқичида 32 та бадиий жамоа иштирок этди.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда «Улуғбек» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда талабаларнинг маҳорат билан ижро этган қўшиқлари орқали уларнинг юртимиз равнақига, давлатимиз ва халқимиз келажагига теран нигоҳ билан боқаётганлиги, Ватанга юксак ҳурмат-эҳтиром билан назар ташлаётганлигини пайқаш қийин бўлмади.

—Танловда ижро этилган қўшиқларнинг аксариятида мустақилликдан сўнгги даврнинг нафаси уфуриб турибди. Ижроларнинг барчасида юракдан отилган нолаларни илғашимиз мумкин. Демак, ушбу танлов фақатгина талаба-ёшлар орасидан янги истеъдодларни кашф қилиш, уларни тақдирлаш эмас, қолаверса ёшларни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш, Ватанга меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эҳтиром каби туйғуларни янада теранроқ ҳис қилишга ўргатишдир, — деди, сўзга чиққан Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов.

Ниҳоят саккизинчи бор ўтказилаётган танловнинг бу йилги якуний босқичи ҳам ўз ниҳоясига етди. Ғолиб жамоалар аниқланди. Биринчи ўрин икки жамоа — ЎзМУ («Ватан абадий», С.Саййид шеъри, О. Абдуллаева мусиқаси) ва ҚорДУ («Ватаним», О.Султонов сўзи, К. Ҳилолов мусиқаси) бадиий жамоаларига насиб этди.

Иккинчи ўринга ТДТУнинг «Муҳандис» («Олтин ёшлик алёри», Н.Нарзуллаев шеъри, Д. Қодиров мусиқаси), СамДУнинг «Гулдаста» («Меҳр гуллари» Н.Нарзуллаев шеъри, Ф.Алимов мусиқаси) ва ЎзДЖТУ («Биз дунёга кўз очдик», Ж.Жабборов шеъри, Б.Лутфуллаев мусиқаси) бадиий жамоалари муносиб деб топилди.

Учинчи ўринни 4 та жамоа — ТДПУ, ТТЕСИ, БухДУ ва ҚарДУ бадиий жамоалари қўлга киритдилар.

Тадбир сўнгида ғолиб жамоаларга вазирликнинг пул мукофоти ва фахрий ёрлиқлари ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Фаррух БЎТАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

МАЛАКА ОШИРИШДА УЗЛУКСИЗЛИК

Seminar

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, республика "Устоз" жамғармаси, А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институти билан ҳамкорликда кенгайтирилган семинар мажлис ўтказилди. Унда мамлакатимиз барча олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган малака ошириш факультети раҳбарлари, вазирлик бошқарма бошлиқлари қатнашди.

Семинарни очар экан, Олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик С.Ғуломов иштирокчилар эътиборини педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишларга қаратди. Олий ўқув юртлари қошидаги малака ошириш факультетларида ҳам таълим жараёни кетмоқда. Тингловчилар учун зарурий шароитлар бор. Компьютер ва ахборот технологиялари бўйича педагоглар билимини ошириш йўлга қўйилганлигини ҳам вазир алоҳида кўрсатиб ўтди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари педагоглари малакасини оширишда улар тайёрлаган маъруза матнлари муҳокамасини ташкил қилиш керак. Уларни тўлдириш ва муайян фан бўйича ягона маъруза матнларини жорий этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир педагог ўз ҳамкасби маърузаси матнига камида 10 та танқидий фикр-мулоҳаза билдириши лозим. Малака оширгандан кейин ҳар бир педагог ўз иш жойида ҳамкасбларига олган билимларини тарқатиши ҳозирги кунда ўз натижасини бермоқда. Бу энг аввало, талаба-ёшлар учун етишмаётган дарсликлар ўрнини босиш билан бирга республикада ягона ўқув-услубий база яратишга имкон бермоқда.

Сарҳисоб қилинса, кейинги 2-3 йилда ўқув-услубий ишлар бўйича 50 дан ортиқ таълим инновациялари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида қарийб 30 та, ташкилий-услубий ишларда 40 та, магистратура йўналишида 20 га яқин янгиликлар жорий этилди.

Айни пайтда малака ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасидаги моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича дастур ва маблағ етарли эмас. Чет эл таълим муассасаларининг илғор тажрибаларини жорий этиш бўйича тезкор ҳаракат қилинмаяпти ва баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаяпти. Ҳар бир профессор-ўқитувчи, педагог учун малака ошириш ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтарила олгани йўқ.

А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институти ректори Ж.Йўлдошев ҳам "Халқ таълими ўқитувчилари малакасини ошириш тажрибаси ва истиқболлари" мавзусида маъруза қилди.

Семинарда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти директори А.Икромов, республика "Устоз" жамғармасининг ижрочи директори А.Шермуҳаммедов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш бошқармаси бошлиғи Ҳ.Раимовлар ҳам сўзга чиқишиб, тизимни такомиллаштиришга ёрдам берувчи таклиф-мулоҳазаларини ўртага ташлашди.

МУХБИРИМИЗ

Talqin

ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР ҚАНДАЙ БЎЛМОҒИ КЕРАК?

Ўзбекистонда давлат ва жамият тараққий этиб боргани сари замонавий кадрларга бўлган эҳтиёж ошиб бораверади. Шу маънода Президентимиз таъкидлаганидек, "Биз кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилаш тизимини такомиллаштиришимиз зарур".

Давлатчилик ва иқтисодиётнинг янги шакли кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилаш тизимини замон эҳтиёжлари ҳамда жаҳон андозаларига мос равишда ташкил этишни тақозо этмоқда. Бу масалани эҳтиёжларга кўра ҳал этишнинг асосларидан бири раҳбар маънавиятини тўғри шакллантиришдадир.

Раҳбар шахс маънавиятини замон талабларига мос равишда шакллантириш учун йўналтирувчи концепция лозим бўлади. Барча соҳаларда кузатилганидек, бу борада ҳам Президентимиз асосли йўналишларни баён қилган. Ислом Каримовнинг асарлари, нутқлари ва маърузаларида раҳбар маънавияти концепцияси ишлаб чиқилган.

Президент томонидан тақдим қилинган раҳбар маънавияти концепцияси асосан, 1990-2000 йиллар давомида ишлаб чиқилган. "Муносиб номзодлар орасида энг муносибини танлаш" тамойилига асосланган бу концепция ўн йил давомида шакллантирилди ва у яхлит тизим кўринишида стратегик дастур — "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз" асарида жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди. Президент аввало **"раҳбар шахс қандай мезонларга жавоб бериши зарур?"** деган масалани қўяди. Шундан сўнг бу борада фикр юритиб, раҳбар шахс маънавияти, унинг маърифий даражаси барча нарсани ҳал қилади, мазмунидаги хулосага келади. Демак, замон эҳтиёжлари ва талабларига мос раҳбар бўлиш учун юксак даражадаги маънавият керак. Савол туғилади: раҳбар маънавияти мезонлари қандай бўлади? Ислом Каримов бу борадаги концепцияда ушбу мезонларни таъкидлаб кўрсатади:

1. Ватанпарварлик (патриотизм). Раҳбар маънавиятини ташкил қилувчи бу мезон Юртбошимизнинг таъкидлашича, "она юртини чин қалбдан севиш ва ардоқлаш, эл-юрт учун ўзини аямаслик, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлиш"дан иборат. Демак, раҳбар маънавиятидаги ватанпарварлик бу давлат, жамият ва халқ манфаати учун жон фидо қилишга ҳам тайёр бўлишдир. Бу мезонни ҳар бир киши англаб олиши керак.

2. Ўз касбининг устаси бўлиш (профессионализм). Раҳбар "чинакам билимдон, касбини билиш жиҳатдан бошқаларга ўрнак бўлса" ўз касбининг устаси ҳисобланади. Бу билим, малака ва тажриба орттириш билан амалга ошади. Албатта, олий маълумот олиш билан раҳбар ўз касбининг устаси ҳисобланмайди. Лекин ундаги касбга доир билим ёш ходимнинг малака ва тажриба орттириб боришига асос бўлади. Шу маънода раҳбар шахс бу уч масалага жиддий эътибор берса, у тадрижий равишда ўз касбининг устаси сифатида шакллана боради.

3. Мустақил дунёқарашга эга бўлиш (политик). Раҳбарнинг мустақил дунёқараши "кенг фикрлаши, узоқни кўра билиш қобилияти билан бошқалардан ажралиб туриши"да намоён бўлади. Демак, раҳбар ҳар бир масалада ўз фикри, сўзи ва англаган ечимига эга бўлиши керак. Шунда у узоқни кўра олади". Бу давр талабидир. Чунки мустақил дунёқарашга эга бўлмаган раҳбар ўзгага муте, ишда лоқайд ва фаолиятда ҳафсаласиз бўлиб қолади. Аксинча, раҳбар шахс мустақил дунёқараш масаласида "бошқалардан ажралиб туриши" шарт.

4. Иймон-эътиқодли бўлиш (этика). Раҳбарнинг иймон-эътиқоди "ирода бақувватлиги, ор-номуслилик, ҳаром-ҳариш ишлардан ҳазар қилиш, изланувчанлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик, ташкилотчилик, талабчанлик ва қатъиятли бўлиш"ни ифодалайди. Раҳбар ўз онги ва қалбида мана шу сифатларни шакллантириш билан иймон-эътиқодли киши бўлиб шаклланади. Бу қоидаларни ҳар бир катта-кичик раҳбар шахслар яхши англаб олишлари керак.

5. Инсоний қиёфани йўқотмаслик (маданият). Президент бу масалани раҳбар маънавиятининг асосий унсурларидан бири сифатида кўрсатади. У раҳбар "атрофида ўраб оладиган хушомадгўй, лаганбардор, лаббайчиларнинг сохта мақтовидан ўзини сақлаб, мана шундай имтиҳонларда одамийликни сақлаш" билан юзага келади. Чунки раҳбар инсоний қиёфасини йўқотса жамиятда иллатлар кўпайиб, халқ фаровонлигига путур етади. Даҳшатли кўринишдаги тоталитаризм ва бюрократизм юзага келади. Шу маънода раҳбарнинг инсоний қиёфаси биз интилаётган демократиянинг бош унсуридир.

Шундай қилиб, Ислом Каримовнинг раҳбар маънавияти концепцияси илмий тил билан айтганда "патриотизм, профессионализм, политолог, этик ва маданиятлилик"ка асосланади. Бу соф илмий-амалий концепциядир.

Президент томонидан тақдим қилинган раҳбар маънавияти концепциясининг уч асоси бор: **миллий маънавий мерос; миллий истиқлол ғояси ва миллий-хорижий тажриба.** Бу уч асос раҳбар шахслар маънавиятини шакллантириш учун асосий манбалар бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, раҳбар маънавияти концепциясини амалга оширишнинг механизмлари мавжуд. **Улар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; ўқув марказлари ҳамда иш жойларидан** иборат. Бу уч кўринишли механизм воситасида раҳбар маънавияти концепцияси амалиётга татбиқ этилади.

Зеро, раҳбар маънавиятига оид Президент концепцияси ўзбек бошқарув илмида янги йўналишдир. Унда бугунги кун раҳбари қандай бўлиши керак, деган масала ўз ечимини топган. Президентимиз таъкидлаганларидек, "Очиғини айтиш керакки, барчамиз ҳам ҳали бу юксак талабларга тўла жавоб бера олмаймиз. Лекин одамларимиз айнан шундай фазилатларни биздан — раҳбарлардан кутишини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак".

А.АБДУЛЛАЕВ,
С.ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари

ЭКСПЕРТЛАРНИНГ ХОЛИСОНА БАҲОСИ

Ўзбекистонда масофавий таълимни оммавий ривожлантириш мумкинлигини кўрсатди

Dolzarb mavzu

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Масофадан ўқитиш: халқаро тажрибалар ва Ўзбекистоннинг имкониятларини баҳолаши" мавзусида ўтказган семинари халқаро характерга эга. Чунки яқиндагина буюк британиялик экспертлар ҳам келиб, юртимиз олий таълим муассасаларида масофавий таълимнинг йўлга қўйилишини холисона баҳолаб кетган эдилар. Бу галги меҳмонлар эса Россиядаги 5 та олий ўқув юртидан бўлиб, Ўзбекистондаги мавжуд аҳвол билан танишдилар. Шунингдек, улар орасида масофадан ўқитиш бўйича марказ вакиллари ҳам бор. Таъкидлаш жоизки, Россияда масофадан ўқитиш бўйича анча-мунча тажрибалар тўпланган. Бунга қадар уларда ҳам Ўзбекистондаги сингари камчилик ва нуқсонлар учраган. Россиялик мутахассислар Ўзбекистонда масофадан ўқитишни йўлга қўйишда ўзларида йўл қўйилган хатоликлар рўй бермаслиги учун дўстона йўл-йўриқларини беришди.

Семинарда Ўзбекистондаги масофадан ўқитишнинг бугунги аҳволи экспертлар томонидан синчиклаб таҳлил қилинди. Таълим истиқболлари, устувор йўналишлари, концепцияси ҳам ишлаб чиқилган. Энди уларни амалиётга тезкорлик билан татбиқ этиш масаласи кўндаланг турибди. Шу ўринда концепция лойиҳаси интернет тармоғига жойлаштирилгани ва унга ривожланган давлатлардаги таълим даргоҳлари етакчи мутахассислари ўз фикр-мулоҳазаларини билдираётганини таъкидлаш керак.

Семинар якунлари тўғрисида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ахборот технологиялари ва масофавий таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдушукур Абдуллаевнинг фикри шундай:

— Ҳар йили юртимиздаги умумтаълим мактабларини тахминан 500-550 минг ўқувчи битиради. Улардан камида 50 минги талабаликка қабул қилинса, қолганларининг тақдири қандай кечади? Улар учун масофадан туриб таълим олиш жуда қўл келади. Афсуски, бунинг асл моҳиятини тўлиқ англаб етганимизча йўқ. Тўғри, Тошкент давлат техника, Ўзбекистон Миллий, Ахборот технологиялари, Гулистон, Самарқанд, Қарши давлат университетларида таълимнинг бу турини жадаллаштириш бўйича силжишлар бор. Семинарда биздаги ана шу тажрибалар умумлаштирилди, таклифлар билдирилди.

Масофадан ўқитишни татбиқ этишда жойларни тўғри танлай билиш лозим. Айни вақтда синалган, самара берган усулларни қўллашга ҳам эътибор қаратиш кераклиги семинар қатнашчилари томонидан якдиллик билан эътироф этилди.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

Milliy dastur amalda

ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН БАҲРАМАНДЛИК

мамлакатимизда таълим ислоҳотларини жадаллаштиришга хизмат қилади

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти жамоаси кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнига чет эл инвестицияларини киритиш масаласига муҳим эътибор бермоқда. Осиё Тараққиёт банкининг "ТАСИС" кўмак лойиҳаси, Германиянинг In WENT жамғармаси сармояларининг жалб этилганлиги бунинг ёрқин мисолидир.

Германиянинг In WENT жамғармаси гранти асосида республикамиз касб-ҳунар коллежлари учун жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош малакали мутахассислар тайёрлашда назарий билимни амалий тайёргарлик билан мутаносиб олиб бориш, машғулотлар кетма-кетлиги методларини ўз ичига олган лойиҳа тузилган. Ушбу лойиҳа доктор Ҳабиб Раҳмон саъй-ҳаракатларига таянган ҳолда ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Лойиҳага асосан айни кунларда металларга ишлов бериш, қурилиш, сантехника, иссиқлик, газ ва сув таъминоти соҳаси мутахассислари биринчи босқич ўқув жараёнида ўз малакаларини оширишмоқда. Чунки мутахассиснинг чет элда ўз малакасини ошириши учун биринчи навбатда ундан ўша давлатнинг тилини ўрганиши талаб қилинади. Шунинг учун In WENT жамғармаси лойиҳаси орқали ташкил этилаётган малака ошириш жараёни 2 босқичда (1-босқич — олмон тилини ўрганиш, 2-босқич эса бевосита ўша мамлакатнинг соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш ўқув муассасаларида малака ошириш) олиб борилмоқда.

Республикамиз касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи, муҳандис-педагогларидан "Металларга ишлов бериш" мутахассислиги бўйича 16 кишидан иборат гуруҳга Светлана Чудаева, қурилиш, сантехника, иссиқлик, газ ва сув таъминоти мутахассисликлари бўйича 15 кишилик гуруҳга эса ўқитувчи Ерйигит Хуттубаевлар тингловчиларга олмон тилида сўзлашиш, ёзиш, тинглаб тушуниш, суҳбатлашиш ва олмон тилининг грамматикасини сидқидилдан ўргатмоқдалар. Ўқитувчилар ноанъанавий усулда институт маъмурияти томонидан яратилган барча имкониятлардан фойдаланиб, техника воситалари, тарқатмали материаллар, кўргазмали қуроллар, турли ўйинлар, суҳбатлар, бир-бирини такрорламайдиган мулоқотлар ёрдамида тил ўргатиб, буларнинг барчасини қизиқарли, тушунарли, оддий тилда олиб боришмоқда. Тингловчилар ўз навбатида қисқа муддатли тил ўрганиш курси дастурини ўзлаштириш борасида муттасил ўз талаффуз кўникмалари ва билимларини мустаҳкамлаб бормоқдалар.

Тингловчилар тил ўрганиш баробарида 2-босқичда Олмония мамлакати таълим муассасаларида ўз мутахассисликлари доирасида малакаларини ошириб қайтиб, бойитилган билим ва тажрибаларини маҳаллий шароитдан келиб чиқиб татбиқ этган ҳолда Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим ислоҳотларини жадаллаштириш, ҳар томонлама етук, билимли, малакали кичик мутахассислар тайёрлаш билан республикамиз иқтисодиётини кўтаришга ҳисса қўшишни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйишган.

Алихон АЪЗАМОВ,
ЎМКҲТРИ тил ўрганиш курси тингловчиси,
Чуст қурилиш коллежи услубчиси

Marosimga ota-onalar, olimlar, yozuvchilar, shoirlar, san'atkorlar hamda mahalla, tuman(shahar) hokimliklari va homiy tashkilotlarning vakillari taklif qilinadi.

Zero, bu yil 9-sinflarni tugatayotgan 600 mingdan ziyod o'quvchilar mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ta'lim sohasidagi islohotlarning ilk mevalaridir.

«Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномани бериш тартиби тўғрисида» ги НИЗОМ

Умумий қоидалар

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома давлат намунасидаги ҳужжат бўлиб, у ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим олишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

Мазкур Низом Вазирлар Маҳкамасининг «Расмий Давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2000 йил 25 июлда 283-сон қарори билан тасдиқланган Расмий Давлат ҳужжатларига буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида шаҳодатнома бланкаларини сақлаш, ҳисобга олиш ва жойларга етказиш бўйича масъул шахслар белгиланади.

Шаҳодатнома бланкаларини олиш ва тарқатишга буйруқ билан тайинланган масъул ходимлардан бошқа шахсларни жалб қилиш қатъиян тақиқланади.

Масъул шахслар вақтинчалик бўлмаган ёки бошқа ишга ўтган тақдирда шаҳодатнома бланкалари айнан шу мақсадда тузилган комиссия аъзолари томонидан имзоланган далолатнома бўйича ушбу вазифаларни вақтинчалик бажараётган шахсларга берилади.

4. Шаҳодатномалар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига юборилади.

Бошқа вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар тасарруфидаги умумий ўрта таълим муассасалари шаҳодатномаларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан оладилар.

5. Халқ таълими бошқарув идоралари ҳамда вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар тасарруфидаги умумий ўрта таълим муассасаларига юборилаётган шаҳодатномалар сони давлат статистика ҳисоботи асосида белгиланади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари ҳамда тасарруфида умумий ўрта таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг ёзма буюртмаларига асосида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг буюртмасига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан муҳофазаланган қоғозда чоп этилади.

Сақлаш, ҳисобга олиш ва жойларга етказиш

2. Шаҳодатнома бланкаларини сақлаш, ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-қарори билан тасдиқланган Расмий Давлат ҳужжатларига буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига келган шаҳодатномалар назорат ва тарқатиш дафтарларида ҳисобга олинади ва улар қўриқланадиган ҳонадаги сейф (пўлат шкаф)да сақланади.

8. Бошқа вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг тасарруфида бўлган умумий ўрта таълим муассасалари шаҳодатномаларни олгани тўғрисидаги далолатномани бевосита Халқ таълими вазирлигига тақдим этади.

9. Шаҳодатномалар тарқатилгани ҳақидаги ҳисобот ҳамда уларни ҳисобга олиш ва ўқувчиларга топширишни қайд қилиш дафтарини Халқ таълими вазирлигининг мазкур масала билан шуғулланадиган ходими текширувдан ўтказади.

10. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари шаҳодатномаларни туман, шаҳар халқ таълими бўлими вакилларига ишончнома асосида беради.

Туман, шаҳар халқ таълими бўлимларига бериладиган расмий давлат ҳужжатлари сони IX синфлар бўйича якуний аттестациясига қўйилган ўқувчилар сони асосида белгиланади.

11. Таълим муассасаларининг директорлари ўқувчиларнинг якуний аттестацияси натижаларига кўра тузилган баҳолар ведомостларини ва педагогик кенгашнинг умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномани бериш ҳақидаги қароридан кўчирмани туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига топшириши шарт.

12. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларидан шаҳодатномаларни умумий ўрта таълим муассасаларининг директорларига олишаги ва бу ҳақда далолатнома тузилади.

Директорларга шаҳодатнома бланкаларини бериш таълим муассасаси педагогик кенгашининг IX-синф ўқувчиларини якуний аттестациягa қўйиш ҳақидаги қароридан кўчирма, VIII, IX синфнинг номи, тартиб рақами ва жойлашган ҳудуди ҳам тўлиқ ёзилади.

19. Шаҳодатнома директор, ўқув ишлари бўйича ўринбосари ва синф раҳбари имзоси ҳамда таълим муассасаси муҳри билан тасдиқланади. Муҳр аниқ ва ўқилиши осон бўладиган ҳолда туширилади. Гербли муҳри бўлмаган шаҳодатнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

20. Шаҳодатномага VIII, IX синф ўқув режаларида кўрсатилган ўқув фанлари бўйича баҳолар қўйилади. Ўқув фанлари бўйича (ўқувчиларнинг билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими бўйича иш олиб борадиган ўқув муассасаларида) баҳолар рақам билан, қавс ичида сўз билан 5 (аъло), 4 (яхши), 3 (қониқарли), синов тизимида киритилган айрим фанлар бўйича «синовдан ўтди» деб белгиланади ҳамда «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташкис маркази тавсиянома»си илова қилинади.

Жисмоний тарбия ёки меҳнат таълими фанлари бўйича озод этилганлар учун «озод этилган» сўзлари ёзилади.

Таълим муассасаси ихтиёридаги соатлар ҳисобидан фанларни ўрганган тартибида ўқувчиларнинг шаҳодатномаларига баҳосиз тегишли ёзув акс эттирилади.

21. Имтиҳонларни экстернат тартибида топширган шахслар шаҳодатномаларининг ҳисобга олиш ва ўқувчиларга топширишнинг қайд қилиш дафтарида қайд этилишини қатъий назоратга оладилар.

14. Умумий ўрта таълим дастури бўйича якуний аттестация тугаганидан сўнг, педагогика кенгаши қарори асосида мактабни битирган барча IX синф ўқувчилари учун шаҳодатномалар тўлдирилади.

Шаҳодатномани тўлдириш

15. Шаҳодатнома қуйидаги ҳужжатлар асосида тўлдирилади:

16. туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

17. VIII ва IX синф журналлари.

18. Шаҳодатнома қора туш билан ўзбек тилида (лотин алифбосига асосланган ҳарфларда), чиройли, аниқ қилиб тўлдирилади. Битирувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномага асосан аниқ қилиб ёзилади. Таълим муассасаси журналлари асосида амалга оширилади.

13. Ҳудудий халқ таълими бошқармалари, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари ҳар бир таълим муассасасига берилаётган шаҳодатнома бланкаларининг сони ва уларнинг тартиб рақамларини ҳисобга олиш ва ўқувчиларга топширишнинг қайд қилиш дафтарида қайд этилишини қатъий назоратга оладилар.

22. Шаҳодатномадаги ёзувларни ўчириб, қайта тўғрилашга ёки бирор устуннинг тўлдирилмай қолишига йўл қўйилмайди.

23. Шаҳодатномаларнинг тўғри тўлдирилиши, баҳоларнинг ҳаққоний қўйилиши ва «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташкис маркази тавсиянома»сини шаҳодатноманинг ажралмас қисми сифатида илова қилиниши бўйича жавобгарлик шахсан таълим муассасаси директорига юкланади.

24. Шаҳодатномани тўлдириш жараёнида хатоликларга йўл қўйилган тақдирда масъул ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган чоралар кўрилади ва шу ҳақдаги буйруқдан кўчирма ҳамда бошқа зарур ҳужжатлар асосида бузилган бланкалар ўрнига янги нусхалар Халқ таълими вазирлигидан олинади. Бу бланкалар шаҳодатномани ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарида қайд этилади «Асос» устунига «бузилганлар бланкалар ўрнига» деб ёзиб қўйилади.

Бузилган шаҳодатномаларнинг тартиб рақамлари қиркиб олинади ва алоҳида қоғозга ёпиштирилиб, далолатноманинг асл нусхасига илова қилинган ҳолда сақланади.

25. Бузилган шаҳодатномалар, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида камида 3 кишидан иборат таркибда тузилган комиссия томонидан йўқ қилинади. Комиссия таркибига туман(шаҳар) халқ таълими мудирининг ўринбосари киритилиши шарт.

Комиссия бузилган шаҳодатномаларнинг йўқ қилинганлиги ҳақида 2 нусхада далолатнома тузади ва унда йўқ қилинган ҳужжатнинг номи, сони ва тартиб рақамлари кўрсатилади. Далолатнома барча комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва таълимни бошқариш идораси раҳбари томонидан тасдиқланади.

Далолатноманинг иккинчи нусхаси ва илова асосининг нусхаси маълумот учун Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига, улар томонидан эса умумлаштирилган ҳолда Халқ таълими вазирлигига юборилади.

Шаҳодатномаларни битирувчиларга топшириш

26. Битирувчиларга умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома тантанали маросимда топширилади.

Шаҳодатномаларни тантанали топшириш маросими битирувчиларда Ватани, халқи, таълим муассасаси билан фахрланиш туйғулари ва улар билан ғурурланиш ҳисларини шакллантирадиган сценарий асосида ўтказилади.

Тантанали маросим таълим муассасаларининг махсус ажратилган жойларида расмий маросимларга қўйиладиган талаблар асосида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ижроси билан бошланади.

Маросимга ота-оналар, олимлар, ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар ҳамда маҳалла, туман(шаҳар) ҳокимликлари ва ҳомий ташкилотларнинг вакиллари таклиф қилинади.

Аъло даражали шаҳодатнома олган ўқувчиларнинг фото суратлари таълим муассасасининг «Бизнинг фахримиз» китобида муассасасидан олади. Экстернат тартибида умумий ўрта таълим дастури бўйича аттестациядан ўтган шахсларга шаҳодатномалар бериш экстернат тартибида имтиҳон олиш ҳуқуқи берилган таълим муассасаси директорлари томонидан амалга оширилади.

30. Битирувчилар шаҳодатномани олгани ҳақида шаҳодатномаларни ҳисобга олиш ва ўқувчиларга топширишни қайд қилиш дафтарига имзо қўяди.

31. Шаҳодатномаларни ҳисобга олиш ва ўқувчиларга топширишни қайд қилиш дафтарида хатоликка йўл қўйилса, ушбу хатолар тегишли изоҳлар билан тузатилади ва айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилади. Дафтардаги барча ёзувлар таълим муассасаси директори, директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари ва синф раҳбари имзолари ҳамда гербли муҳр билан тасдиқланади.

Шаҳодатномаларни ҳисобга олиш ва ўқувчиларга топширишни қайд қилиш дафтари бошқарув идораларининг масъул ходимлари томонидан текширувдан ўтказилади.

32. Айрим сабабларга кўра вақтида берилмаган шаҳодатномалар битирувчиларга берилгунга қадар тўлдирилган ҳолда таълим муассасасида сақланади.

Берилмай қолган тўлдирилган шаҳодатномалар бўйича далолатнома тузилиб, уларнинг тартиб рақами ва мазкур ҳужжатларни олмаган битирувчиларнинг исми ва фамилияси кўрсатилади.

33. Тўлдирилмаган шаҳодатномалар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига бир кун давомида қайтарилиши шарт. Тўлдирилмаган шаҳодатномаларни таълим муассасаларида сақлаш қатъиян таъқиқланади.

34. Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномаларнинг тўлдирилмаган бланкалари йўқолган ҳолларда таълим муассасаси директори бу ҳақда дарҳол туман(шаҳар) халқ таълими бўлимига ва ички ишлар органларига хабар қилади, бунда йўқолган ҳужжатнинг тартиб рақами кўрсатилиб, йўқолиш юз берган вазиятлар аниқ баён қилинади.

35. Таълим муассасалари раҳбарлари халқ таълими бошқарув идораларига битирувчиларга топширилган умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномалар бўйича мунтазам равишда ҳисобот бериб борадилар.

36. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари шаҳодатномани йўқотган, ўқувчи томонидан бузилган ёки фамилияси ўзгарган шахслар умумий ўрта таълим тўғрисидаги ҳужжатни берган мактаб маъмуриятига йўқотиш, бузиш ёки фамилияси ўзгариши ҳақида тўлиқ баён этилган ёзма ариза берадилар. Аризага ҳужжат йўқолганлиги тўғрисида бир ой олдин газетада чоп этилган эълон илова қилинади (эълонда йўқолган шаҳодатноманинг берилган йили, серияси ва тартиб рақами кўрсатилиши шарт);

аризачи мактабда ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда директор дубликат бериш масаласи бўйича педагогик кенгашга кўриб чиқиш учун таклиф киритади;

педагогик кенгаш дубликат бериш тўғрисида қарор қабул қилади (қарорда йўқолган шаҳодатноманинг берилган йили, серияси ва рақами кўрсатилади);

кенгаш қарори халқ таълими бўлимига юборилади ва унинг асосида Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигига дубликат олиш учун буюртмана тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларининг буюртмаларини асосида шаҳодатнома бланкларини беради;

шаҳодатнома дубликати мазкур Низомнинг III-бўлимида кўрсатилган қоидаларга асосан тўлдирилади ва юқориги ўнг бурчагига қора туш билан «дубликат» деб ёзилади;

дубликат умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномаларни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарида қайд этилади. Дафтарнинг «олганлиги ҳақида имзо» устунига «йўқолган ...№.., ..»..да берилган ҳамда «баҳолар учун асл нусха берилган устунга қаралсин» деб ёзилади, асл нусха берилганлиги ҳақидаги қаторда «...№...» дагги дубликат берилганлиги ёзилади ҳамда дубликат олганлик тўғрисида имзо қўйилади ва сана кўрсатилади;

мактаб томонидан тўлдирилган дубликат туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг масъул ходими томонидан назоратдан ўтказилгандан сўнг аризачига топширилади.

41. Йўқолган ва газета орқали бекор қилинган аслі шаҳодатномалар рақамлари Халқ таълими вазирлиги томонидан компьютер рўйхатига киритилади ва назорат олиб борилади.

42. Таълим муассасаси тугатилган ҳолларда дубликат мактаб ҳужжатларини сақлаш бўйича масъул бўлган бошқа таълим муассасаси ёки архив томонидан тасдиқланган маълумотномалар асосида берилади.

КОМИЛЛИККА ШАҲОДАТ

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ШАҲОДАТНОМАЛАРНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Фарзанд — эртангги кун умиди, Унинг нигоҳида келажакнинг акси бор. Юртимиз мустақиллигидан сўнг ҳукуматимиз томонидан таълим тизими ислоҳотига қаратилаётган эътиборга шу жиҳатдан ёндашсак, соҳада кечаётган туб янгиликлар яққол намоён бўлади.

Дарҳақиқат, ўтган йиллар таълим тизимида туб ислоҳотлар даври бўлди. Зотан, давлатимиз мустақилликка эришгунга қадар амалда бўлган тизим ўзининг кўп жиҳатдан оқсоқлигини кўрсатиб улгурган эди. Шуни таъкидлаш лозимки, ўтган — асрга татигулик йиллар мобайнида юртимизда яратилган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида босқичма-босқич олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, бугун мавжуд муаммолар кўлами тобора қисқариб бораётир. Эътиборлиси, фарзандларимизнинг баркамол воя га етишлари учун замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган кўплаб илм даргоҳлари қад ростлаётирки, уларда илм-фан, касб-ҳунар сир-асрорларини чуқур ўрганаётган ўқувчи ёшлар дунё билан бўйлашмоқда.

Миллий дастурнинг асосий янгилиги — бу ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўлиб, у аввалги 9 йиллик умумий ўрта таълим тизимининг давоми ҳисобланади. Эътиборлиси, таълимнинг мазкур турида узлуксиз тарзда умумий таълим давом эттирилади ва танланган маълум касб бўйича "Кичик мутахассис"лик учун таълим берилади ёки академик лицейларда муайян фан йўналишларида чуқурлаштирилган равишда билим берилади.

Касб-ҳунар коллежларининг аввалги "СПТУ"лардан тубдан фарқ қилиши бугун барчага маълум. Уларнинг энг сўнгги русумдаги замонавий технологиялар билан таъминланганлиги, ўзининг устахонаси, тажриба майдончаларига эгалиги эса толиби илмнинг нафақат маълум бир касбни, балки ҳаётда асқотадиган бир неча зарур ҳунар сирларини ҳам эгаллашига имкон яратди. Асосийси, академик лицейни ҳам касб-ҳунар коллежини ҳам тугатган ёшларимиз ўқишни олий ўқув юртларида давом эттиришлари учун тенг мақомга эга бўладилар.

Маълумки, ҳозирда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифаларини бажаришнинг иккинчи — сифат босқичига қадам қўйилди. Унга кўра, фарзандларимизнинг ёшлигиданоқ истеъдод қирраларини очиб бориш мақсадида мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтишни амалга ошириш, таълим муассасаларини эса махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар ҳамда замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш кўзда тутилган. Айтиш жоизки, бугун мазкур босқич ҳам қадам-бақадам босиб ўтилмоқда. Бу давлатимизнинг, халқимизнинг ютуғи. У кишида юқоридаги эртасининг истиқболига ишонч уйғотади. Ана шу ҳисни бугун умумий ўрта таълим мактаблари қучоғидан катта ҳаётга дадил қадам ташлашга шай битирувчи синф ўғил-қизлари нигоҳига боқиб ҳам туйишингиз шубҳасиз. Зеро, бу йил 9-синфларни тугатаётган 600 мингдан зиёд ўқувчилар мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг илк меваларидир. Яъни улар Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ яратилган Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари асосида, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларидан ўтиб, ўқувчи ва ота-оналарнинг ўз ҳаётлари давомида ҳеч ҳаётда ишлатмаган, ҳеч ҳаётда ишлатилмаган, ҳеч ҳаётда ишлатилмаган ўзбек тилидаги ўқув дастурлари ва дарсликлари орқали таълим олиб, мактабни тугатмоқдалар. Шу билан бирга айтиш лозимки, улар юқоридаги қонун ҳужжатларида белгиланганидек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 июндаги 235- сонли қарори билан тасдиқланган «Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномани бериш тартиби тўғрисида»ги қарорга асосан, ўқувчининг нафақат билим, балки унинг маълум касбни ўрганишга лаёқати борлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатни (шаҳодатномани) олаётган илк қалдирғочларидир. Демак, бу маросим оддий расмий маросим бўлмасдан, ҳар бир таълим муассасаси ҳамда ҳар бир ўқитувчи эришган натижаларнинг кўриги ҳам ҳисобланади.

Таълим муассасаларида битирувчиларга шаҳодатномаларни топшириш маросимини ўтказиш ўта масъулиятли тадбирлардан биридир. Чунки бу тадбирлар биринчи ва сўнгги қўнғироқ каби уларнинг доимо ёдида қолади. Шундай экан, Халқ таълими вазирлиги мазкур тадбирни ўтказиш юзасидан қуйидагиларни тавсия этади.

Шаҳодатномаларни топшириш маросимини ҳар бир таълим муассасасининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда тантанали равишда, энг намунали битирувчилар томонидан Давлат байроғини кўтариш (залда ўтказилганда унга олиб кириш) ва мадҳия ижроси билан бошлаш зарурдир. Бунинг учун тантаналар ўтказиладиган зал ёки майдонларни олдиндан янги ўзбек алифбосида ёзилган таъсирчан шиорлар, туман, шаҳар ҳудудида ёки яқин атрофда жойлашган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда уларга тегишли зарур маълумотлар билан безатилиши лозим.

Тантанали маросимда албатта, ҳар бир битирувчининг ота-онаси иштирок этмоғи мақсадга мувофиқдир. Чунки етуклик шаҳодатномасини олиш нафақат фарзанд учун, балки унинг ота-онаси учун ҳам тарихий сана бўлиб қолади. Шунингдек, маҳалла фуқаролари йиғини раислари, фаоллари, халқ таълими бўлимлари ҳамда туман, шаҳар ҳокимликларининг раҳбар ва ходимлари бўлиши, олимлар, ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар таклиф этилиши керак. Бу тантанали маросимда албатта, туман, шаҳардаги касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарлари, ўқитувчилар, ишлаб чиқариш устаси иштирок этиб, ўзлари ишлаётган таълим муассасалари фаолияти, уларнинг аввалги ПТУ ёки СПТУ лардан тубдан фарқ қиладиган тамомила янги турдаги муассасалар эканлиги ҳақида гапириб берсинлар ва ўз муассасаларига битирувчи синф ўқувчиларини ўқишга таклиф этишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, ушбу битирувчилар Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан таълимнинг кейинги босқичида ўзлари қизиққан фан ёки касб-ҳунар йўналишлари бўйича янада теранроқ илм олишга чоғланишган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган 235-сонли қарори билан тасдиқланган «Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномани битирувчиларга бериш тартиби тўғрисида Низом» нинг 23-бандига мувофиқ «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташкис маркази» тавсияномаси шаҳодатноманинг ажралмас қисми сифатида илова қилинади. Унга кўра эса 9-синфнинг битирувчиси қайси таълим муассасасида, қандай тайёрлов йўналиши бўйича ўқишни давом эттириши мумкин эканлигини кўрсатилади.

Мактабни аъло баҳо билан тугатаётган ўқувчиларга алоҳида эътибор қаратиш, улар учун олдинги қаторлардан жой чиқарилиб, ҳар бирига эришган ютуқларини ифода этувчи ёзув ёзилган ленталарни боғлаш, ҳокимликлар, туман, шаҳар халқ таълими бўлимларининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирлаш, таълим муассасасида ташкил этиладиган «Бизнинг фахримиз» китобига фотосуратларни билан қайд этиш лозим. Асосийси, маросимда ўқувчиларга тегишли нуқсаҳадаги шаҳодатномаларни туман, шаҳар ҳокимлари ёки уларнинг ўринбосарлари топширганлари мақбул. Бош фарзандига шаҳодатномани топширишни битирувчининг отаси ёки онасига юклаш, энг яхши ўқитувчи ва тарбиячиларни тақдирлаш эса ҳисқаяжонларни янада оширади ва бу битирувчиларнинг ёдида доимий сақланади.

Тантанали маросимни муассаса директори ёки унинг ўринбосари очиши, мамлакат мустақиллигига эришилганидан кейин таълим-тарбия соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, ёшларимиз эришаётган муваффақиятлар ҳамда битирувчиларни ҳам шундайин олийжаноб ишларга даъват этувчи таъсирчан нутқ сўзлаши, уларга оқ йўл тилаши лозим.

Албатта, тантанада таклиф этилган меҳмонлар ва битирувчиларнинг ҳам дил изҳорлари тингланиши, анжуманнинг янада бетакрор ўтишини таъминлайди.

Республикамизнинг турли вилоят ва туман, шаҳарларида бу тантанали маросимнинг иккинчи қисмини ота-оналар, ўқитувчилар ва кенг жамоатчилик иштирокида оммавий байрам тарзда ўтказиш анъанаси шаклланган. Буни яна давом эттириш, кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ўқувчи қалбида бир умрга муҳрланадиган мана шундай қувончли кунда ўғил-қизлари шодлигига бутун бир халқнинг шерик бўлиши, келажагига ишончини, эл-юрт олдидаги масъулиятини тўлиқ англашига омил бўлади.

Афсуслананли томон шундаки, айрим таълим муассасаларида бундай маросимларни ўтказиш учун битирувчилардан пул йиғиш, мактаб раҳбари ва ўқитувчиларни турли қийматбаҳо совғалар билан сийлаш одат тусига айланган. Бундан ташқари, танаталаларни ўқувчи ёки ўқитувчиларнинг хонадонларида, ресторан ёки қаҳвахоналарда, яъни маблағ талаб этиладиган тарзда ўтказиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Шу боис бундай салбий одатларга йўл қўйиш қатъиян таъқиқланади. Буни битирувчиларимиз, уларнинг ота-оналари ҳам билишлари зарур. Шуни ёдда тутмоқ лозимки, битирувчиларимизнинг устозлари, ота-оналари учун энг яхши совғаси — бу ўқиган ўтиб, дийдор кўришилганда бериладиган саломлари, вақт топганда мактабга ҳол-аҳвол сўраб келишлари, энг муҳими эса уларга муносиб шогирд сифатида элимиз корига ярайдиган инсонлар бўлиб етишишидир.

Демак, ҳар қандай шароитда ҳам маросим юқоридагиларга амал қилинган ҳолда олдиндан ишлаб чиқилган сценарий асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим Бош бошқармаси

Kun bo'yi bir u yoqqa,
Bir-da bu yoqqa
Hamma bir narsa tashir
Yaqin-uzoqqa.

DANGASALIKNI XUSH KO'RMAYDIGAN SHOIR

Genrix Veniaminovich Sapgirning otasi yahudiy, onasi nemis bo'lib, o'zi bolalar uchun rus tilida ajoyib she'rlar yozadi.

Genrix Sapgir 1928 yilda Oltoy o'lkasining Biy shahrida tug'ilgan. 1960 yilda uning kichkintoylarga atalgan "Birinchi tanishuv" nomli she'riy to'plami bosilib chiqdi. U darhol atoqli rus shoirlarining diqqatini o'ziga tortdi. Keyin o'n yil ichida 20 dan ortiq adabiy to'plamlari nashr etildi. Bular o'yinchoq-kitoblar, topishmoqlar, tez aytishlar, sanamalar, alifbe-ertaklar va boshqa qiziq-qiziq she'rlardan iborat edi. Chunonchi, 1961 yilda "Ertaklar", 1962 yilda "Surati solingan", 1963 yilda "Hoy-hoy-u", 1964 yilda "Yulduzlar ot o'yini", 1965 yilda "Salom", 1967 yilda "Mo'jiza o'rmonlar" va hokazo kitoblari kichik o'quvchilarning katta muhabbatini qozondi. Maktablar uchun yangi "Alifbe" yaratishda ham faol qatnashdi.

Shu kungacha shoirning 50 dan ortiq kitobi chiqarilgan bo'lib, ular rus bolalar adabiyotining noyob durdonalariga aylangandir.

Biz Genrix Sapgirning "Daftardagi qushlar" kitobidan olingan she'rlari tarjimasini e'tiboringizga



havola qilayotirmiz. Bu to'plamdagi she'rlarni yozganda Genrix Sapgir 36 yoshda edi. Bu haqda uning o'zi shunday deb yozadi:

"Qadrli bolalar!

Bu kitobni men yozdim. Men 36 yoshdaman. Sizlarga bu juda katta yosh bo'lib ko'rinsa kerak.

Albatta, sizlarning ba'zi birlaringiz 9 yashar bo'lsa, men undan roppa-rosa 4 baravar kattaman!

Ammo men, unchalik qari emasman, deb o'ylayman. Xuddi sizlardek, men ham o'yinlarni, har xil gaplarni to'qib chiqarishni, hazil va ertaklarni yaxshi ko'raman.

Albatta, she'rni ham sevaman. Ayniqsa, quvnoqlarini. She'r qanchalik xushchaqchaq va jaranglagan bo'lsa, shunchalik menga ko'proq yoqadi.

Men sizlarga aynan shunday she'rlar yozgim keladi. She'rlarim sizlarga yoqsa, o'zim ham xursand bo'lib ketaman.

Lekin, bolalar, sizlarga bir gapni aytib qo'yay: Men hammadan ham ko'proq dangasalik va janjalni xush ko'rmayman.

Muallif".

Miraziz A'ZAM

KO'CHA

Ko'cha yashil, ko'm-ko'k,
Yo'lovchisi ko'p-ko'p,
Biri biridan oshur,
Hamma nimadir tashur.
Hamma nimaga shoshur?
Ular nimalar tashur?

Yuk mashina ichida -
Har doim panel,
O'quvchilar kiftida -
Sumka yo portfel.
Avtofurgon do'konga
Tashir non, salat.
Pochtachi sumkasida
Bizga tashir xat.
Shofyor qurilish uchun
Beton tashiydi,
Ona sut olib kelar -
Bidon tashiydi.
Bir ota yelkasida
Bir bola kelar,
Sotuvchi aravada
Mol ola kelar.

Kun bo'yi bir u yoqqa,
Bir-da bu yoqqa
Hamma bir narsa tashir
Yaqin-uzoqqa.
Bizning ko'cha shunaqa -
Harakatchandir.
Kelsangiz ko'rajaksiz
Siz ham qachondir.
Kattakon bir tramvay
Jaranglab, yangrab,
Oshnamnikiga eltar
Meni ertalab.
Ana, oshnam ko'rindi
Salqin so'qmoqda -
O'zini o'zi uyga
Olib ketmoqda.

KOSTYUM

Kostyum ilgakda,
Yonda yenglari.
Yashaydi kostyum
Naridan beri:
Bir darsdan qoldi,
Parvoyi palak!
Jonini shunga
Qilsinmi halak!
Hey, menga qara,
Oshnamsan qalin,
Yelkangda kallang
Bormidi oldin?

ROBOT

Kiyib olib boshiga
Teshik chelakni,
Bola borar paypaslab
Katta yo'lakni.

Men-so'ylovchi robotman,
Chetroq turinglar!
Ishonmasangiz, meni
Sinab ko'ringar!

— Tur! - desangiz - turaman.
— Cho'k! - desangiz - cho'kaman.
— Kuyla! - deng - kuylayman ham.
— O'yla! - deng - o'ylayman ham.

Ularning ishi oson,
Ixtirochi-ku, ular.
Robotning holi yomon -
Buyruqni ijro qilar.

— Tur! - deyishar - turaman.
— Cho'k! - deyishar - cho'kaman.
— Kuyla! - derlar - kuylayman.
— O'yla! - derlar - o'ylayman.

Men yurdim taraq-turuq,
So'ng yiqildim oldinga...
Robot bo'lmayman, yo'q-yo'q
Bari tegdi jonimga.

— Tur! - derlar - men cho'kkanman.
— Cho'k! - derlar - men turaman.
— Kuyla! - derlar - o'ylayman.
— O'yla! - derlar - kuylayman.

Tajribalar tindi,
Robot esa sindi.

KO'KLAMDA

Deraza ortida
Yam-yashil ko'klam.
Deraza ortida
Chayqaladi ko'l.
Daraxtlarda qushlar
Bo'lib jamuljam,
Berilib o'ynashar
Go'yo voleybol.
Yoki bu qushlarning
Maktabimikin?
Deraza ortida
Bo'lyapgandir dars?
Qushlar fe'lni shunday
Turlasharmikan?
Yo darsdan gap sotar
Zag'izg'on galvars:
"Shaqshaq qilmaysizmi?
Biz shaqshaqlaymiz,
Shaqshaqlash qushlardan
Zag'izg'onga bop".
Ammo... O'qituvchi
Deb qoldi shu kez:
— Quloq sol, Vorobyov,
Derazani yop!

LI-MON

LI nimayu, MON nima?
Ikkoviyam hech nima.
Ammo desangiz LIMON,
Og'zingiz bo'lar nordon.

CHOYNAK VA PIYOLA

Piyola der choynakka:
— Choydan quy!
Choydan quy!
Choynak der piyolaga:
— Kim uchun?
Kim uchun?
Piyola der choynakka:
— Dimaga!
Dimaga!
Choynak der piyolaga:
— To'kadi!
To'kadi!

FUTBOL

Xolam dedi:
— Uf, futbol!
Onam dedi:
— E, futbol!
Opam dedi:
— Voy, futbol...
Men dedimki:
— Zo'r futbol!

Ruschadan Miraziz A'ZAM tarjimalari

ONA MEHRI

Oldin onam urishsalar,
Juda yomon ko'rardim.
Aytgan ishin qilmasdim,
Ona qadrin bilmasdim.

Onaday ulug' inson
Topilmaskan dunyoda.
Eng ulug' zot onadir,
Hammadan ham ziyoda.

Agar sho'xlik qilsam ham
Derdilar: bolajonim.
Jondan ham aziz edi,
Mening munis jahonim.

Nega onam tashlab ketdi,
Sog'intirib mehriga.
O'rganib qolgan edim,
Onajonim sehriga.

Kelsa agar onajonim
Bog'dan gullar terardim.
Kelsa agar onajonim,
Jonimni ham berardim.

Bunyod MADUMAROV,
Chust tumanidagi
51-maktab o'quvchisi

UKALARIM

Mening uchta ukam ham,
Katta bo'lib qolishdi.
Onamning qo'lidagi
Yumushlarin olishdi.

Dadam ishdan kelsalar,
Chopib chiqar oldiga.
Charchoqlarin yozishni,
Solib qo'yar yodiga.

Erkalatsa, erkalab
Maftun ukam kuladi.
Gulgun bilan Nasiba
Ikkovi jo'r bo'ladi.

Har kun ko'rib ularni
Ko'zim quvnab ketadi.
Quvonchimning sadosi
Ko'k bulutga yetadi.

Fazliddin MENGNOROV,
Chiroqchi tumanidagi
90-maktabning
3-sinf o'quvchisi

Мактаб ўқувчилари маз-за қилиб таътил гаштини суришмоқда, аммо уларнинг устозлари-чи? Бир зум бўлса-да, мактаб ва унинг келажаги, дарсликлар аҳволи, фидойи устозларнинг ибратли ишлари ҳақидаги ўй-хаёллар уни тарк этмайди. Қувончи-ю ташвишини қоғозга туширib, мактуб йўллайди. Ана шундай жонкуярлар мактубларидан айримларини саралаб эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

«Ma'rifat»ga maktublar



ТЎПЛАНГАН МАБЛАҒГА — СПОРТ ЖИҲОЗЛАРИ

Фотиманинг Жума шаҳридаги йирик мактаблардан бири — 8-ўрта мактаб директори лавозимида фаолият кўрсата бошлаганига ҳам тўрт йилдан ошибди. Киши фаолиятига баҳо берувчи энг олий ҳакам — бу вақт. Фотима ўз ишига шиддат билан шўнғиб кетди. Ўқитувчилик, туман хотин-қизлар қўмитаси раисаси вазифаларида орттирган тажрибаси унга қўл келди. Хушмуомала, билимдон, тадбиркор, тинибтинчимас раҳбар аёл шу муддат ичида анчагина эзгу ишларни қилиб улгурди.

Мониторинг, маърифат ва маънавият, фаоллар, психологик хизмат хоналари ишга туширилди. Мактаб ҳудуди ўраб олинди. Бошланғич синфлар ўқийдиган бино томи шиферланди. Спорт майдончаси қайта таъмирланди. Баскетбол майдони ташкил этилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаол иш бошлади. Бу хайрли иш давом этмоқда. Бўш шишалар йиғилиб, сотилди. Ундан тушган маблағ ҳисобига 34000 сўмлик спорт жиҳозлари сотиб олинди. Мактабда ободонлаштириш ишларига ҳам аълоҳида эътибор берилаяпти. Мактаб атрофида гулзорлар пайдо бўлди. Мактаб ўқувчилари "Гуллар" байрами кўрик-танловининг II босқичида ғолиб бўлишди.

Гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, чекишга қарши оммавий тадбирлар ўтказилди. Кейинги 3 йил ичида ўқувчилар фан олимпиадалари вилоят босқичида юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Илм даргоҳида аҳолининг 1378 нафар фарзанди тарбия олмоқда. 95 нафар педагог улар хизматида. Мактабда навбатдаги аттестация ишларига тайёргарлик жадал суръатда олиб бориляпти. Қизғин меҳнатни кўриб, дилинг яйрайди. Ҳа, серғайрат давр аёли Фотимахондан барчанинг умиди катта ва унга ишонишади.

Раббим ЭГАМБЕРДИЕВ,
Самарқанд вилояти
Жума шаҳридаги
8-мактаб инглиз тили
ўқитувчиси

ИККИ ХИЛ СИЁҲДА ТЕКШИРИБ КЎРИНГ-ЧИ...

Ўқитишнинг ноанъанавий усуллари ўқувчининг фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган экан, ёзма ишларни текширишда ҳам биз бу маслакка амал қилмоғимиз талаб этилади. Биз янгича усулда ўқувчилар йўл қўйган имловий, услубий хатолар устида ўйлашга имкон бермоғимиз керак. Янги усулнинг самарадорлигидан фойдаланмоқчи бўлган текширувчи икки хил рангли — яшил ва қизил сиёҳли ручкадан фойдаланади. Яшил ранг — огоҳлантириш, қизил ранг — ёмон. Бунда хатолар бевосита ўчириб тўғриланмайди, яъни аввал ўқувчиларга шундай тушунтирилади:

— Ўқувчилар ёзма ишларингиз 2 хил сиёҳли ручкада текширилади. Хато ёзилган сўз, жумла остига яшил чизиқ тортилади. Бу огоҳлантириш белгиси. Сиз шундай белгили ўринларда йўл қўйган хатоларингизни ўзингиз излаб топасиз, "Имло луғати"га мурожаат қиласиз. Тополмасангиз, ўртоғингиз ёки муаллимдан сўрайсиз. Қизил ранг эса шу сўз ёки жумлада сиз такроран хато қилганингиз белгиси. Сиз хатоларингизни такрорламаслик учун фақат мактабдагина эмас, уйда ҳам ишлашингиз керак бўлади.

Синфда шундай ўқувчилар ҳам учраб турадики, улар хунук ёзадилар, дафтар чизиғига мослаб ёза олмайдилар. Уларни синфдошларига тенглаштириб олиш учун ўқитувчи ўзи ҳам қунт билан ишлаши, шогирдини ҳам астойдил ўқиб ўрганишга, ёзишга ундамоғи керак. Хатолари кўп ёзма ишлар қизил қалам билан чизиб ташланмаслиги, синчковлик билан текширилмоғи лозим. 5—8-синфларда яшил ва қизил сиёҳлардан фойдаланиб, ўқувчилар йўл қўйган хатоларнинг қайси турга мансублигини кўрсатиб, хато ўринлар устига яшил сиёҳда "тиниш", "имловий", "услубий" каби кўрсатмаларни ёзиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Азимжон ПЎЛАТОВ,
Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги
30-мактаб ўқитувчиси

ТАБИАТНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ — БУРЧ

Табиатни асраб-авайлаш, қадрлаш инсоннинг бурчларидан бири саналади. Аслида ҳам доноларимиз таъкидлаганидек, «Ватанни севиш — остонадан бошланади».

Биз таълим ходимлари зиммасига ёшларни ҳар томонлама баркамол ва етук қилиб тарбиялашдек ўта сермашаққат, шу билан бирга шарафли вазифа юклатилганки, энг аввало, ўқувчиларда она тупроқни ардоқлаш ҳиссини камол топтиришимиз керак.

Деҳқонобод туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги 4-умумий ўрта таълим мактабида 443 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Уларга 42 нафар муаллим илму одоб ўргатишади. Мактаб биноси эски бўлгани боис, ўқув жиҳозларимиз ҳам шунга яраша. Муаллимлар баҳоли қудрат ишлашаяпти. Хусусан, илм масканимизнинг бошланғич синфларида Ватанни севиш, она табиатни асраб-авайлаш мавзусидаги машғулотларга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ҳар бир қуйи синфдаги тарбиявий соатлар ҳамда тўгарак машғулотларида маҳаллий шарт-шароит ва далиллар асосида «Она табиат — ҳаммамизники» мавзуси остида қатор суҳбат, баҳс ва мушоиралар ўтказилди. Бироқ, бу борада олиб борилаётган ишлар ўзимизни қониқтираяпти, деб айта олмаймиз. Чунки ҳали фақат маълумотлардан нарига ўтолмаётгандекмиз. Шунинг учун бу борада жойлардаги илғор тажрибаларни янада оммалаштириш, аниқ ҳамда режавий тадбир ва дастурлар ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

Гулнора БОЙНАЗАРОВА,
Деҳқонобод туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактаби раҳбарининг ўқув-тарбия ишлари бўйича муовини

XXI АСР ЎҚИТУВЧИСИНИНГ СИЙМОСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Наманган вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг педагогика, психология, мактабгача таълим ва бошланғич таълим кафедраси томонидан Поп туманидаги 23-ўрта мактабда ўтказилган семинар-тренинг ана шу мавзуга бағишланди. Ушбу семинар-тренингда вилоят туманларидаги халқ таълими бўлими услубчилари, Поп туманидаги умумий ўрта таълим мактабларининг илмий бўлим мудирлари қатнашдилар.

Семинарда иштирокчилар махсус қўйилган шаклларни танлаб, шу шакллар бўйича бешта гуруҳга бўлиндилар. Семинар-тренингнинг қоидаси яратилди. Тренинг бошқарувчиси Т.Ботиров томонидан бешта гуруҳга беш хил муаммо берилди. Биринчи гуруҳ иштирокчилари "Ўқитувчининг нутқ маҳорати", иккинчи гуруҳ иштирокчилари "Ўқувчилар фаолиятини оширишда ҳамкорлик педагогикасининг ўзига хос йўллари", учинчи гуруҳ иштирокчилари "Замонавий дарсни ташкил этишда ўқитувчининг ўрни", тўртинчи гуруҳ иштирокчилари "Янги педагогик технология — ўқитувчи касб маҳоратини ошириш омили", бешинчи гуруҳ иштирокчилари "Ҳозирги замон ўқитувчисининг маънавий қиёфаси" мавзуларида ўз фикр ва мулоҳазаларини баён қилдилар, бир-бирларининг тажрибаларини, фикрларини ўргандилар.

Семинар қизғин баҳс-мунозараларга айланиб кетди. Фаол иштирокчиларга эса НВПҚТМОИнинг "Фахрий ёрлиқ"лари топширилди.

Ҳа, ижодкорлик — бугунги кун таълим-тарбиясининг асосий мезони. Ҳар бир дарс машғулотига янги бир усул билан кириш, ноанъанавий усуллардан фойдаланиш таълимнинг асосий мазмунига айланмоғи зарур.

Хосият ОМОНОВА,
НВПҚТМОИ ходими

МАКТАБГА 120 ТА КИТОБ

Тошкент вилояти Зангиота тумани мактаблари ичида биринчи бор Фурқат номидаги 19-ўрта мактабда китоб марафони ўтказилди.

Марафонда мактабнинг барча ўқувчилари иштирок этдилар. Тадбирда мактабнинг 96 нафар битирувчиси мактаб кутубхонасига ўзларининг совғаларини топширдилар. Бадиий чиқишлар билан йиғилганларни хушнуд этдилар. Мактаб саҳнасида F.Ғуломнинг "Шум бола", А.Авлонийнинг "Қарға билан Лайлак" асарлари қўйилди. Ш.Бошелковнинг мактаб дарслигига киритилган "Темир хотин" асаридан парча намойиш этилди. Китоблар ҳақида шеър, қўшиқлар ижроси йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

— Марафонни ўтказишдан мақсадимиз, — дейди мактаб директори Муборак Телевова, — мактаб кутубхонасини лотин ёзувидаги китоблар билан бойитиш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий етук қилиб тарбиялаш. Дарҳақиқат, ҳозирда мактаб кутубхонасига мадад берувчи ташкилотлар сони саноқли. Шу боис уюштирилган марафон натижасида ота-оналар ва ўқувчилар кўмагида 120 дан ортиқ бадиий асарлар йиғилди. Бу эса ўқувчиларимизнинг эртанги ҳаёт йўлларида асқотиши тайин.

Гулчеҳра ШЕРМАТОВА



ЯНГИ МАКТАБ БИНОСИ — ЎҚУВЧИЛАРГА СОВҒА

Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги қўшни Тожикистон Республикаси билан чегарадош Қўшқанд қишлоғида 210 ўринли замонавий мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу мактабда болажонлар учун барча қулайликлар яратилган. Янгиобод ТХТБ мудири Я.Холбековнинг бу хушхабари бизни ҳам қувонтирди.

Суратларда: янги мактаб биноси.

Саҳифани Маҳмуда ВАЛИЕВА тайёрлади

Shunday qilib, sevgi insonning o'z Taqdiri yo'lidan borishga hech qachon xalal bermasligini sen hech qachon anglab yetmaysan. Agar shunday bo'lsa, demak, bunday sevgi chin emas, haqiqiy emas, deyiladi Umum Tilida, — deya so'zini yakunladi Alkimyogar.

Пауло КОЭЛО

АЛКИМЕГАР

Роман

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

Эртаси куни тонгда Эл-Фаюм воҳаси хурмозорларида қуролланган икки минг киши саф тортди. Уфқдан беш юзтача жангчининг қораси кўринган паллада қуёш ҳали унча кўтарилмаган эди. Отлиқлар воҳага шимол тарафдан кириб келишди, улар ўзларини гўё тинчлик истаб келишаётгандай қилиб кўрсатишар, қуролларини оқ яктаклари тагига бекитиб олишганди. Қабила бошлиқларининг каттакон чодирига етиб келишган пайтда уларнинг қўлларида қуроллар ва қайрилма қиличлар пайдо бўлди. Бироқ чодир бўм-бўш эди.

Воҳа аҳли саҳро суворилари-ни қуршаб олишди, ярим соатдан сўнг қумда тўрт юз тўқсон отлиқнинг жасади қолди. Болаларни хурмозорга элтишди, улар чодирларда эрларининг дуо-ю жонини қилиб ўтиришган аёллар қатори ҳеч нимани кўришмади. Ҳалок бўлганларнинг чалқайиб ётган жасадларини айтмаганда, воҳада ҳар доимги ҳолат ҳукм сурарди.

Эл-Фаюмга бостириб кирган отлиқлардан ёлғиз уларнинг сардори омон қолди. Уни қабилалар бошлиқлари олдига келтиришди ва бошлиқлар ундан не боис Урф-одатни бузишга ботиндинг, дея сўрашди. У бир неча кунга чўзилган жангларда очлик ва сувсизликдан жангчиларнинг мадори қуригани, воҳани эгаллашса, ўзларига келиб, кейин яна урушни бошламоқчи бўлишганини айтди.

Жангчиларга қанчалик ачинмайлик, бироқ Урф-одатни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деди қабила оқсоқоли. Саҳрода фақат шамолнинг таъсиридан қум барханларининг шакли ўзгаради, қолган барчаси аслича қолади.

Ҳарбий сардорни шармандали ўлимга ҳукм этишди: ўқни ҳам, қилич зарбини ҳам унга раво кўришмади, қуриган хурмо дарахтига осишди ва саҳродан эсган шамол унинг жасадини анча вақт тебратиб турди.

Қабила оқсоқоли муҳожирни чақириб, унга элликта тилла тангa тақдим этди. Кейин у яна Юсуфнинг тарихидан сўзлаб берди ва бўзболадан ўзига Бош Маслаҳатчи бўлишини сўради.

Кун ботиб, осмонда юлдузлар энди хира ёриша бошлаганда (чунки ой тўлишган паллa эди) Сантяго жанубга қараб юрди. У ёқда фақат битта чодир бор эди, йўлида дуч келганлар бу жой жинларнинг қароргоҳи эканини айтди. Бироқ у чодирнинг олдига ўтириб олиб, кута бошлади.

Алкимёгар ҳа деганда қорасини кўрсатмади — ой эса аллақачон тепага кўтарилиб кетганди. Ниҳоят Алкимёгар кўринди, унинг елкасида бир жуфт ўлган қирғий осилиб турарди.

— Мен шу ердаман, — деди Сантяго.

— Бекор келибсан. Наҳот Тақдиринг сени менинг олдимга йўллаган бўлса?

— Уруш бўлаяпти. Мен саҳродан ўтолмайман.

Алкимёгар шошилди, имо билан Сантягони ичкарига таклиф этди. Қабила бошлиқларининг шинам безалган эртакнамо чодирини айтмаганда, Алкимёгарнинг макони воҳа аҳлининг чодирларидан фарқ қилмасди. Сантяго ичкарига кўз югуртириб металл эритадиган қозон ва қўрани, алкимёвий шиша идишларни қидирди, бироқ чодирда бир неча тўзиган китоблардан бошқа нарса кўзга чалинмади. Ерга сирли нақшлар солиб тўқилган гилам ташланган эди.

— Ўтир, мен ҳозир чой дамлайман, — деди Алкимёгар. — Қирғийларни пишириб овқатланамиз.

Бўзбола булар ўша — у яқиндан учиб юрганини кўрган қушлар бўлса керак, деб ўйлади, бироқ бу ҳақда гапирмади. Алкимёгар ўчоқни ёқди ва ҳаял ўтмай чодирга парранда гўштининг хушбўй ҳиди таралди. Бу тамаки ҳидидан кўра ёқимлироқ эди.

— Қандай мени истаб келдинг?

— Ҳаммасига белгилар сабаб, шамол менга сенинг келишингни ва сенга менинг ёрдамим зарурлигини айтди.

— Йўқ, бу мен эмас, балки бошқа йўловчи — англиялик. Сени излаган ўша.

— Мени топгунича, у кўп кишилар билан учрашиши лозим. Бироқ у тўғри йўлдан бораяпти. У фақат китобларга қараётгани йўқ.

— Мен-чи?

— Агар сен бирор нарсани истасанг, бутун Олам истагинг рўёбга чиқишига хайрихоҳлик қилади, — Алкимёгар кекса Малкисидқнинг сўзларини такрор айтди ва бўзбола Ўз Тақдири йўлидан боришга кўмаклашадиган яна бир одамни учратганини англади.

— Сен менга таълим берасанми? — сўради у.

— Йўқ. Сен зарур нарсаларни биласан. Мен фақат сени хазинанг томон йўллайман, холос.

— Бироқ саҳрода жанг кетаяпти, — такрорлади Сантяго.

— Саҳро менга таниш.

— Мен хазинамни топганман. Менда туя ва пул бор, уларни биллур савдоси билан шуғулланиб, ишлаб топганман, яна элликтача тилла тангам бор. Энди юртимда мен бой ҳисобланаман.

— Бироқ булар сени меҳроблaрга бир одим ҳам яқинлаштира олмайди, — эслатди Алкимёгар.

— Менинг Фотимам бор. Бу хазина қолган ҳамма бойликдан устун.

— Ундан меҳробгача бўлган йўл ҳам узоқ.

Улар жим қолишди ва овқат ейишга киришишди. Алкимёгар шиша идишнинг тиқинини очиб, Сантягонинг стаканига аллақандай қизил суюқлик қуйди. Бу вино экан, бўзбола умрида ҳали бунақасини татиб кўрмаганди. Бироқ Қонун вино ичишни таъқиқлайди.

— Одамнинг оғзидан киргани эмас, балки оғзидан чиққани ёмон, — деди Алкимёгар.

Вино ичиб Сантяго яйради. Бироқ Алкимёгар ҳануз уни сергаклантирадиган гапларни айтарди. Улар чодирнинг эшиги олдида ёнма-ён ўтиришиб, тўлин ой ёғдусида юлдузларнинг хира тортиб бораётганини кузатишарди.

— Ич яна — бу сени чалғитади, — деди Алкимёгар, винонинг бўзболага таъсир қилганини пайқаб. — Кучингни йиғ, жанг олдидаги жангчидай. Бироқ унутма, сенинг юрагинг у ёқда, хазина ётган жойда. Уни топиш керак, бу йўлда нималар пайдо бўлди. Бироқ чодир бўм-бўш эди.

Воҳа аҳли саҳро суворилари-ни қуршаб олишди, ярим соатдан сўнг қумда тўрт юз тўқсон отлиқнинг жасади қолди. Болаларни хурмозорга элтишди, улар чодирларда эрларининг дуо-ю жонини қилиб ўтиришган аёллар қатори ҳеч нимани кўришмади. Ҳалок бўлганларнинг чалқайиб ётган жасадларини айтмаганда, воҳада ҳар доимги ҳолат ҳукм сурарди.

Эл-Фаюмга бостириб кирган отлиқлардан ёлғиз уларнинг сардори омон қолди. Уни қабилалар бошлиқлари олдига келтиришди ва бошлиқлар ундан не боис Урф-одатни бузишга ботиндинг, дея сўрашди. У бир неча кунга чўзилган жангларда очлик ва сувсизликдан жангчиларнинг мадори қуригани, воҳани эгаллашса, ўзларига келиб, кейин яна урушни бошламоқчи бўлишганини айтди.

Жангчиларга қанчалик ачинмайлик, бироқ Урф-одатни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деди қабила оқсоқоли. Саҳрода фақат шамолнинг таъсиридан қум барханларининг шакли ўзгаради, қолган барчаси аслича қолади.

Ҳарбий сардорни шармандали ўлимга ҳукм этишди: ўқни ҳам, қилич зарбини ҳам унга раво кўришмади, қуриган хурмо дарахтига осишди ва саҳродан эсган шамол унинг жасадини анча вақт тебратиб турди.

Қабила оқсоқоли муҳожирни чақириб, унга элликта тилла тангa тақдим этди. Кейин у яна Юсуфнинг тарихидан сўзлаб берди ва бўзболадан ўзига Бош Маслаҳатчи бўлишини сўради.

Кун ботиб, осмонда юлдузлар энди хира ёриша бошлаганда (чунки ой тўлишган паллa эди) Сантяго жанубга қараб юрди. У ёқда фақат битта чодир бор эди, йўлида дуч келганлар бу жой жинларнинг қароргоҳи эканини айтди. Бироқ у чодирнинг олдига ўтириб олиб, кута бошлади.

Алкимёгар ҳа деганда қорасини кўрсатмади — ой эса аллақачон тепага кўтарилиб кетганди. Ниҳоят Алкимёгар кўринди, унинг елкасида бир жуфт ўлган қирғий осилиб турарди.

— Мен шу ердаман, — деди Сантяго.

— Бекор келибсан. Наҳот Тақдиринг сени менинг олдимга йўллаган бўлса?

ҒАРБ ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТАРИХИ

XX асрга келиб Ғарб мамлакатларида ҳуқуқий демократик давлатларни тузиш соҳасида эришилган ютуқларни кузатар эканмиз, беихтиёр уларнинг илдизлари қаерда, деган савол туғилади. Қандай воқеалар туфайли Ғарб давлатларида мустаҳкам юридик система вужудга келиб, инсон ҳуқуқлари асосий ўринга кўтарилди.

Бу саволларга жавоб излаб Европа файласуфлари, тарихчилари ва сиёсатчиларининг асарларига назар ташласак, бу жараённинг оғир кечганини билиб оламиз. Олимларнинг баъзилари Ғарб демократиясининг биринчи куртаклари XVIII асрда пайдо бўлган деса, бошқалари бу воқеа XI асрда юз берган дейишади. Албатта, XVIII асрда Европа тақдирига кучли таъсир кўрсатувчи воқеалар юз берди. XVIII асрнинг охирига келиб саҳнада пайдо бўлаётган ёш буржуазия ўзининг ривожланиши учун шароит яратилишини истар эди, бунинг учун ўша пайтда жамиятда ҳукм сурган қонунлар ўзгартирилиши керак эди. Лекин ҳукмрон феодал-клерикал кучлар қонунларни ўзгартириш мумкин эмас, чунки улар одамларга худо тарафидан берилган, деб қаршилик кўрсатганлар. Ана шу қарама-қаршиликни бартараф қилишда немис классик буржуазия фалсафаси катта роль ўйнади. Янги замон буржуазия тафаккури ўша пайтда энг асосий муаммо бўлмиш феодаллар жамиятидан буржуа жамиятига ўтиш муаммосини ечишга қаратилди. Бу вазифани бажаришда таниқли немис файласуфлари Кант, Фихте, Шеллинг ва Гегелларнинг роллари жуда катта бўлди. Бу олимларнинг ижод қилган муҳитларига назар ташласак, ўша пайтда ҳам Ғарбий Европада демократиянинг анчагина илдиз отганини кўришимиз мумкин. Ирина Лагунинанинг француз файласуфи, Жорж Маршалл номидаги стратегик хавфсизлик Марказининг профессори Александр Гарин билан қилган суҳбати юқоридаги мулоҳазаларимизни янада тўлдиради. Суҳбатда профессор Гарин Ғарб демократияси маданияти нима, Ғарб ҳуқуқи нима, уларнинг илдизи қаерда ва кўпгина шунга ўхшаш саволларга аниқлик билан жавоб беради. Гарин XI-XVI асрларда Европада юз берган баъзи воқеаларни ёритиб, уларнинг Ғарб давлатларида ҳуқуқий демократик тузумларнинг қурилиш жараёнига қандай таъсир этганлигини чуқур таҳлил қилиб берганди. Шу боис, А.Гарин билан ўтказилган суҳбат маъносини ўз тилимизда кенг ўқувчилар оммасига баён қилишга қарор қилдик.

Tarix saboqlari

«ПАПА РЕВОЛЮЦИЯСИ» — ДЕМОКРАТИЯ РИВОЖЛАНИШИГА БЕРИЛГАН БИРИНЧИ ТУРТКИ

Бир давлатда ижобий натижалар берган сиёсий тузумни бошқа давлатга кўчириш мумкинми ёки йўқми? Ҳақиқатан ҳам, биз бирор-бир ўсимликни бир жойдан олиб, янги жойга кўчириб экканимизда биринчи навбатда унинг илдизларига эътибор беришимиз керак.

Бу ўсимлик янги жойда ўсиб кетиши учун янги жойнинг тупроғи қандай бўлиши керак, уни қандай суғориб туриш лозим ва ҳоказо. Бу саволлар, бироз бўлса ҳам одамда скерцизм туйғуларини уйғотади. Лекин дарҳол шуни айтиш мумкинки, ўсимликлар ҳақида гап кетар экан, бутун бир қишлоқ хўжалигининг тарихи ўсимликларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб экишдан иборат эмасми? Лекин сиёсий тузумлар ўсимлик эмас, албатта, уларни бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчириш мумкинми ёки йўқми, бу жуда чуқур таҳлилни талаб қилади. Ғарб жамияти тўғрисида гап кетар экан, биринчи навбатда бизни бу жамиятнинг тарихий илдизлари қизиқтиради. Бу илдизлар қачон, қаерда ва қандай шароитларда пайдо бўлган, уларнинг ривожланиши ҳар хил даврда қандай кечган? Бу саволларга жавоб топиш устида Ғарбда ҳам анчагина олимлар бош қотиришган, бунинг тарихи узун ва сабоқлидир.

Баъзи олимлар Ғарб давлатларининг негизида саноат революцияси ётади, деб ҳисоблайдилар. Бу — XIX асрнинг иккинчи ярмига тегишли. XX асрнинг бошларида файласуф Макс Вебер қуйидаги фикрни олга сурди: саноат революцияси ўз-ўзидан юз бермайди, у маълум маданий муҳит таъсирида вужудга келади. Ғарбда бундай муҳитнинг яратилишида протестантлар этикаси катта роль ўйнади. Француз файласуфи Фернард Бродель Ғарбий Европада капитализмнинг ривожланишини XV-XVI асрларда юз берган Уйғониш даври билан боғлайди. Ғарб мамлакатлари маданиятининг илдизлари ҳақида Гарвард университетининг профессори Гарольд Берман эса, капитализмнинг бошланишини ва умуман Ғарбда самарали демократик ҳаётга эришилганликни янада узоқ давр билан, Ўрта асрлар, аниқроғи 1075 йилда рўй берган «Папа революцияси» билан боғлайди. Лекин бунга қарши эътироз билдириш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, XX аср Ғарб цивилизациясининг ютуқларини қачонлардир Ўрта аср қаърида юз берган бир конкрет воқеа билан боғлаш тўғримикан? Лекин биз бу воқеа билан боғланган ва Ғарб жамиятида ўша пайтдан бошлаб кетма-кет содир бўлган воқеалар билан қизиқсак, ҳақиқатан ҳам Берманнинг гапига ишонишимиз мумкин. Айтиш мумкинки, 1075 йилда шу бугунги Ғарб давлатларининг ҳаётини, тақдирини белгилаб берувчи резолюция пайдо бўлди. Бу резолюция ўша пайтларда католик черкови ичида инсон руҳини, қадрини, ҳуқуқини сиёсий кучдан устун қилиб қўйиш учун бошланган ҳаракат билан боғланганди. Ва у маълум воқеалар (улар ҳақида кейинроқ гапирамиз) туфайли енгиб чиқди ҳамда черков учун, унинг фаолияти учун автономияни (ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини) қўлга киритди. Шундан сўнг католик черковининг одамлар ҳаётига бўлган таъсири янада ошди. Энди черков олдида катта улуғвор масала турар эди. Бу ҳам бўлса ўзи учун қўлга киритилган автономиядан фойдаланиб одамлар билан одамлар ўртасидаги, одамлар билан давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ инструментини ишлаб чиқиш эди. Черков шу пайтгача ҳукм суриб келган ҳуқуққа асло ўхшамаган, бутунлай янги ҳуқуқ инструментини ишлаб чиқиб, сиёсий ҳаётга фаол равишда кириб келди ва бу ҳаётни тубдан ўзгартиришга киришди. Анъанавий одат тусига кириб қолган муносабатлар, бошқача айтганда ҳуқуқ устидан кучнинг ҳукмронлигига асосланган муносабатлар секин-аста ўзгариб янги асосга, кучнинг устидан ҳуқуқнинг ҳукмронлигига эга бўла бошлади. Албатта, бу жараён осонликча юз бермади, ўтмиш ва келажак кучлари ўртасида курашлар бўлди, бу курашлар бир қанча босқичлардан ўтиб, оқибатда ҳуқуқий демократик жамиятларнинг туғилишига олиб келди.

ЕПИСКОПЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ҲУҚУҚИ УЧУН КУРАШ

Ўша вақтда черков у дунё билан боғлиқ бўлган масалаларни ечиш ҳуқуқини назорат қиларди. Одам тириклигида, бу дунёда, у билан нималар юз бериши мумкин — бу масалаларни ечиш давлат қўлида бўлган. Қисқа қилиб айтганда, у дунёнинг ишлари билан черков шуғулланган, бу дунёнинг ишлари билан — давлат. Гўёки бу икки соҳа бир-биридан ажратилган, бири-бирининг нонини емайдиган ва бири-бирига халақит бермайдиган соҳаларга ўхшайди. Демак, улар бир-бирини ўзаро ҳурмат қилиб яшаши мумкин. Лекин шундай бўлиб чиқмади. Бу икки соҳа ҳаётнинг маълум қисмида кесишар экан, улар ўртасида мунозарали масала бор экан, бу ҳам бўлса черков маъмуриятини тайинлаш, аниқроғи епископларни тайинлаш билан боғлиқ эди. Ана шу масала атрофида черков ва давлат манфаатлари тўқнашди. Бу зиддият «инвеститура учун мунозара» номи билан тарихда қолди. Инвеститура — епископни ўз лавозимига тайинлаш маросими деган маънони билдиради. Епископ эса олий руҳоний лавозими бўлиб, одатда унга черков округининг раҳбари тайинланар эди. У жуда кўп масалалар билан шуғулланган — мерос қолдириш, ўйланиш, васиятномаларни бериш, туғилиш-ўлиш ва ҳоказо. Кўриниб турибдики, ҳар бир одамнинг орзу-умидлари, унинг тинчлиги, у ва бу дунё билан дахлдор режалари асосан епископ билан боғлиқ бўлган. Шунинг учун епископ нафақат диний масалаларни ечишга кафолат берган, у маълум сиёсий йўналишларга ҳам катта таъсир кўрсатиш кучига эга бўлган. Ана шунинг учун бу лавозим қироллар ва императорларга жуда муҳим бўлган ва 1075 йилгача, епископ черковга тегишли лавозим бўлишига қарамасдан, уларни қирол ва императорлар тайинлашган ва улар епископлар орқали ўз сиёсий масалаларини ҳал қилиб келишган. Янаям аниқроқ айтганда, кимнинг қўлида қуролли кучлар (армия) бўлса ўшалар епископларни тайинлаган. У даврда анъанага айланган бу одат деярли ҳеч кимда эътироз туғдирмас, гўёки черков раҳбарлари ва императорлар ўртасида бу масалада ҳеч қандай келишмовчилик йўқдай туюларди. Лекин бу масалада битта камчилик бор эди.

Ўша даврнинг аристократлари (бой-зодагонлари) ўзлари учун жуда муҳим бўлган бир муаммо билан умр бўйи шуғулланишга мажбур эдилар, бу ҳам бўлса — ўз меросларини сақлаш ва қолдириш. Уларнинг ҳаёти ўз оиласини, династиясини, уруғ-аймоғини сақлаб қолиш учун курашишдан иборат бўлган. XI асрда бу масалани мураккаблаштирадиган хавф бўлган. Тез-тез бўлиб турадиган урушлар туфайли улар ўртасида ўлиб кетиш ҳоллари ҳам кўп бўлган. Агар оилада болалар кам бўлса ва улар урушдан қайтмаса, тамом, бу оила династияси йўқ бўлиб кетади. Агар болалар сони кўп бўлса, у ҳолда мулк катта сонга бўлинади ва бир-икки авлоддан сўнг улар камбағаллашиб қолиши мумкин бўлган. Демак, мулкни бўлиш пропорциясини ҳам ақл билан аниқлашга тўғри келган. Айтилган бу муаммолар шунга олиб келдики, епископ лавозими аристократлар учун жуда муҳим лавозимга айланиб қолди. Аристократик оила ўз ўғилларидан бирини епископ лавозимига жойларди, бошқа ўғиллари ўлиб кетишса епископ яна уйга қайтарди ва мол-мулк унга мерос бўлиб қолар ва династия сақланиб қолар эди. Бу нарса нимага олиб келди? Кўриниб турибдики, епископни тайинлаш масаласи орқасида уруғ-аймоқчилик манфаатлари турадиган бўлиб қолди, бу лавозим диний лавозим эканлиги иккинчи даражали масалага айланиб, у аристократларнинг манфаатларига хизмат қила бошлади. Бу ҳолат, албатта, узоққа чўзилиши мумкин эмасди. Шунинг учун черков ва монахлар ўртасида протест (норозилик) пайдо бўлди. Бу протест асосан Париж яқинида жойлашган Клюни аббатлигида туғилди ва шу аббатлик реформа ғоясини олга сурди.

Протестга мувофиқ диний масалаларни ечишда дунёвий, сиёсий ва уруғ-аймоқчилик таъсирларини йўқотиш, черков обрўсини керакли даражага кўтариш талаблари қўйилди. Ана шундай шароитда папа лавозимига папалар ичида энг машҳурларидан бири Клюни аббатлигидан чиққан Григорий еттинчи сайланди. 1075 йилда Григорий Еттинчи ўша пайтдаги император Генрих тўртинчига ультиматум эълон қилади. Ультиматум 28 пунктдан иборат бўлиб, унда епископни фақат папа тайинлаши мумкин деб айтилган эди. Агар шундай бўлса, император епископни тайинлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши ва черковдан ҳам четлатилиши лозим эди. Бу эса ўша пайт учун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа бўлди. Император ҳар доим черковга тегишли одам деб ҳисобланган ва унга худонинг ердаги сояси деб қаралган. Ана шунинг учун ҳам император черков ишларига аралашиб келган, диний баҳсларда қозилик ролини ҳам бажарган ва бу одатий ҳол бўлган.

Бўлиб ўтган воқеалар шунга олиб келдики, дин масалалари соҳасида ва черков кадрлари орасида папа энг олий инстанция бўлиб олди. Энди император папанинг қарорини бузса, папа бу ерда ҳам олий арбитр ролини ўйнайди. Албатта, булар императорга нисбатан мислсиз ўзбошимчалик бўлиб, у жавобсиз қолиши мумкин эмас эди...

Бўлиб ўтган воқеалар нуқтаи назаридан Византияга мурожаат қилсак, у ерда бутунлай бошқа манзарани кўрамиз. Бу ерда ҳам Византия императори ва патриарх (проваслав черковининг бошлиғи) ўртасида зиддиятлар бўлиб турар, лекин одатда уларда император ютиб чиқар экан (унинг армияси борда!). Шуниси эътиборга лойиқки, агар руҳонийлар ўртасида конфликтлар бўлса, монахлар ва руҳоний амалдорларнинг ўзлари императорга ёрдам сўраб борар, уни ўзларига оғдиришга уринар эканлар. Демак, Византия императори кўпинча судья вазифасини бажарган, у черковга тегишли одам ҳисобланган. Бу ҳолат бутун проваслав дунёсига тарқалган бўлиб, Россия ҳам бундан мустасно бўлмаган. Иван Грозний бир черковни кўришга келганда патриарх уни черковдан чиқариб юбориш мақсадида «Қотил, чиқиб кет бу муқаддас жойдан», дея талаб қилган. Лекин у шу заҳотиёқ бўғиб ташланган. Бу проваслав тарихида патриарх подшоҳга қарши чиқишга уринганлиги, лекин енгилганлиги тўғрисидаги ягона ёрқин эпизоддир. Рим папаси ҳам ўша пайтдаги шароитда императорга ютқазиши керак эди.

Папанинг ультиматуми қўйилгач, Генрих IV унга тезлик билан жавоб беришга қарор қилди. У ўзининг епископларини йиғиб масалани муҳокама қилди ва папа номига ёзилган хитобномага имзо чекди. Бу хитобномада Григорий VII ўз ишидан бўшатилганлиги айтилган эди. Император оддий бир хитобнома билан папани ўз лавозимидан олиб ташлаш жуда қийинлигини яхши тушунарди. Шунинг учун Генрих IV ўз армиясини Альп тоғлари орқали Римга қараб сурди, энди папани куч билан олиб ташлаш керак эди. Шунда папа жуда оғир аҳволда қолади, унинг қуролли кучлари бўлмаганлиги учун император армиясини тўхтата оладиган куч Римда йўқ эди. Лекин, қарангки, ўша вақтда Сицилия оролини норманлар босиб оладилар, бу ҳақиқий босқинчилик эди, уларда оролни эгаллашга легитимация (қонуний ваколат) йўқ эди. Папа норманларга, агар улар папани император армиясидан ҳимоя қилсалар, ўзининг авторитети номидан легитимация беришга сўз берди. Норманлар рози бўлдилар ва император армиясини тўхтатдилар. Норманлар ёрдамида папа ўзининг мустақиллигини сақлаб қолди, Генрих IV эса бу курашда ютқазди. Ғарб императорларини лавозимга қироллар сайлардилар. Папага куч ишлатмоқчи бўлиб унга ютқазиб қўйган Генрих IV черковдан четлатилди, шунинг учун энди унинг христиан дунёсига император бўлишига ҳаққи йўқ эди. Натижада қироллар Ауксбургда ўз мажлисларини чақириб, унинг ўрнига бошқа император сайлашни режалаштирдилар. Бошқа иложи қолмаган Генрих IV 1077 йилнинг январида Шимолий Италиядаги Каносса қасрида уч кун тиз чўкиб Рим папасидан уни кечиришни сўраб ялинади. Папа, учинчи куни уни кечиради, натижада Генрих IV ўз лавозимида қолади. Шундай қилиб тақдир тақозоси билан Рим папаси ўз мақсадига эришди: у энди бир ўзи епископларни тайинлай бошлади, унинг ишига ҳеч ким аралаша олмас эди.

(Давоми бор)

Интернет материаллари асосида Маъруф ҚОСИМЖОНОВ, Дилдора УМАРОВА тайёрлади

Davr talabi shuki, kasb-hunar dargohlarida raqobatbardosh kadrlar tayyorlash muhitini yarata olishimiz kerak.

ҲУНАРЛИ ИНСОН ЭЛ АРДОҒИДА



Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ёшларнинг чуқур билим олишлари, касб-ҳунар малакаларини пухта эгаллашлари учун кенг имкониятлар уфқи очилди. Республика Олий Мажлиси депутати сифатида айта оламанки, мамлакат парламентининг ҳар бир сессиясида ёшлар, уларнинг тақдири, мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни, таълим-тарбияси, касб-ҳунар ўрганиши билан боғлиқ масалаларга катта аҳамият берилади.

Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳнамолиги билан яратилган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганлиги ёшларга, бинобарин бутун мамлакатимиз аҳлига кўрсатилган ғамхўрликнинг ёрқин далилидир. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бу борада қатор қарорларининг қабул қилиниши эса мустақил мамлакатимизда авлодлар баркамоллигини ўйлаб, ёшларнинг билим ва касб-ҳунар малакаларини янада пухта эгаллашлари учун яратиб берилган кенг имконият, бебаҳо имтиёздир.

1999-2000 ўқув йилидан янги мақом асосида иш бошлаган бизнинг коллежимиз воҳа марказидаги — Урганчнинг сўлим ва гўзал гўшасида жойлашган. Бу ерда ёшларнинг давр талаби асосида илм олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган.

Коллеж ичкари ва ташқариси тўла қайта таъмирланиб, юксак эстетик дид билан безатилди. Янги замонавий ўқув жиҳозлари, техник асбоб-ускуналар сотиб олинди. Олдин илм масканимизда ўз радиоэшиттириш тармоғимиз ишлаб турган бўлса, эндиликда 4 каналли ички телестудиямизга ҳам эга бўлдик.

Ҳаммасидан ҳам муҳим янгилик, бу ўз ўқув ишлаб чиқариш устахонамизнинг қурилиб фойдаланишга топширилганлиги бўлди.

Бу ерда ўқувчилар тўртта йўналиш — умумқурилиш, дурадгорлик ишлари, газ таъминоти жиҳозларини йиғиш ва таъмирлаш, қурилиш-пардоз ишлари бўйича олган назарий билимларини амалда қўллаб, аниқ кўникмалар ҳосил қилишмоқда.

Коллеж жамоаси кўтаринки руҳ билан ишлаб, маънавий-маърифий ишларни ҳам яхши йўлга қўйдилар. Маънавият хоналари ҳар бир бинода ташкил этилган бўлиб, Давлатимиз рамзлари, Юртбошимиз ҳаёти ва фаолияти, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган улуғвор ишлар ҳақида ҳикоя қилувчи рангли суратлар, маълумотлар, улуғ алломаларимизнинг илм, касб-ҳунар, инсоний фазилатлар ҳақида билдирган доно, ҳикматли сўзлари ёзилган шиорлар, кўргазмалар коллежимиз ички ва ташқи кўринишига нафақат файз, чирой бағишлаб, балки устозу ўқувчиларга битмас-туганмас маънавий озуқа, мадад, рағбат, илҳом бағишловчи манба бўлиб турибди.

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида янги қурилаётган ва қайта реконструкция қилинаётган таълим муассасалари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ана шу мақсадда давлат бюджетидан ажратилаётган кўп ҳажмдаги маблағлар энг ривожланган давлатларнинг таълим тизимига ажратмаларидан юқоридир. Айнан мана шу жиҳат сабабли Ўзбекистон таълим тизимида олиб борилаётган бугунги ислоҳотлар дунё миқёсида тан олинди.

Давлат бюджетидан таълим соҳасига сарфланаётган маблағларнинг бир неча йиллик таҳлили ушбу кўрсаткичнинг бир меъёрда ўсиш суръатига эга эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни тезлаштириш имконини беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фойдаланишимиз лозим бўлган имкониятларимиз жуда кўп. Янги таълим мазмунини такомиллаштириш, бу борада янги педагогик технологияларнинг жорий этилиши, шу асосда янги ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратилиши, албатта, ушбу талабларга жавоб берадиган ўқитувчилар, олимлар янги авлодини тайёрлашни тақозо этади.

Истиқлол йилларида Хоразм вилоятида ҳам бир қанча коллеж ва академик лицейлар фаолият кўрсата бошлади. Яқин йилларда уларнинг сони янада ошади. Давр талаби шуни тақозо қиладики, касб-ҳунар даргоҳларида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш муҳитини рата олишимиз керак. Бунинг учун ҳар томонлама пухта ўқув режалари, дастурлар яратилиши, уларни изчиллик билан етказиб бериш йўлга қўйилиши лозим. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳам муҳим вазифалар сирасига киради.

Кейинги пайтларда вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган кўрик-танловлар, бошқа турли тадбирларда коллежимизда билимдон, тажрибали, аҳил жамоа шаклланганлиги эътироф этилмоқда. Биз эса бундан асло хотиржам бўлмаган ҳолда ўз билим ва касб маҳоратимизни муттасил ошириб бораяпмиз.

Халқаро аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжат Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қайта-қайта, изчил, чуқур ўрганишимиз, уни ҳаётга татбиқ этиш учун мавжуд куч ва имкониятимизни, билим ва тажрибаларимизни ишга солишимиз керак. Зеро, халқимиз илм-ҳунарли кишиларни доимо ардоқлаб келган.

Ибодулла БОЙЖОНОВ,
Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи директори, Олий Мажлис депутати, меъморчилик фанлари номзоди

СОҒЛОМ МУҲИТ — СИФАТЛИ ТАЪЛИМ

Илм даргоҳимизда бугун 60 нафардан зиёд ўқитувчи-педагоглар, 7 нафар фан номзоди, 5 нафар доцентлар самарали меҳнат қилаяпти.

Коллежда мультимедиа билан намойиш қилинадиган 26 та компьютер дастурлари, деярли барча фанлардан замонавий кодоскопларда намойиш қилинадиган слайд-альбомлар, плакатлар, диаграммалар, схемалар, макетлар, моделлар ва шу каби кўргазмали қўлланмалар мавжуд. Буларнинг ҳаммаси ҳозирги кунда ўқув режа ва дастурлари асосида барча умумтаълим ва касбий фанлардан дидактик талабларга мувофиқ равишда жиҳозланган ўқув хоналари ва лабораториялардаги ўқув жараёнларларида самарали фойдаланилмоқда.

Коллежимиз Осиё Тараққиёт Банки лойиҳасига киритилган. Ўқув жараёнларини янада юксалтириш, хорижда малака ошириш борасида самарали ёрдам бериш мақсадида хорижий экспертлар бир неча бор коллежимизга ташриф буюришиб, даргоҳимиз ҳаёти билан яқиндан танишиб кетдилар.

Ўқитувчи-педагоглар билим савияларини ошириш мақсадида мунтазам равишда ўз устида иш олиб борадилар. Ҳозирги кунгача ЎМКҲТ ривожлантириш институти малака ошириш факультети, ТошДИУ, ТАҚИ, УрДУ каби ОЎЮларида ўқитувчи ва муҳандис-педагоглар малака оширишдан ўтдилар.

Айниқса, янги ахборот ва илғор педагогик технологияларнинг ўқув жараёнларига жадал жорий қилинаётгани ўқувчиларимизнинг билим чўққиларини эгаллашга қизиқишини ошириб, бир-бирлари билан беллашиш муҳитини яратаяпти. Натижада рейтинг кўрсаткичимиз йил сайин ошиб бормоқда. З.Аҳмедов, И.Хўжаев, О.Якубов, Ш.Тожиева, Р.Ўразалиев каби 20 нафардан ортиқ ўқитувчи ва муҳандис-педагогларимизнинг илғор тажрибалари умумлаштирилди ва оммалаштирилди.

Хуллас, коллежимиз педагог ва муҳандис-педагоглари илғор педагогик технологияларни, таълимининг анъанавий ва ноанъанавий шаклларини қўллаш муҳитида, шунингдек, янги тажрибаларни ўз вақтида жорий қилиш орқали ўқувчиларнинг тўла ўзлаштиришга эришишларини таъминлашни ўз олдиларига энг муҳим вазифа қилиб қўйганлар.

Раҳимберган МАТЁҚУБОВ,
ўқув ишлари бўйича директор муовини

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази
Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи
2003-2004 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Коллежга 9 ва 11-синф маълумоти асосида кундузги ва сиртқи бўлимга ўқувчилар қабул қилинади.

9-синф маълумоти асосида қуйидаги касблар бўйича мутахассислар тайёрланади:

1. Умумқурилиш ишлари устаси
2. Газ таъминоти тизимлари ва жиҳозларини йиғиш ва таъмирлаш ишлари устаси
3. Архитектура (интерьерларни лойиҳаловчи)
4. Менежер
5. Бухгалтер
6. Молия агенти
7. Давлат кадастри бўйича ҳуқуқий ва маъмурий фаолият
8. Ҳуқуқшунос-иқтисодчи

11-синф маълумоти асосида қуйидаги мутахассисликлар бўйича 1-босқичда техниклар, 2-босқичда кичик муҳандислар 100 фоиз тўлов-контракт асосида тайёрланади:

1. Газ таъминоти тизимлари ва жиҳозларидан фойдаланиш
2. Бухгалтерия ҳисоби
3. Ҳуқуқшунос

Ўқишга кирувчилар қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур:

1. Директор номига ариза
2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси
3. Доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома
4. 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома
5. 3х4 катталикдаги 6 дона фотосурат
6. Ҳудудий касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази тавсияномаси (9-синф маълумоти учун).
7. Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорти ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги аризалар 20 июндан қабул қилинади.
ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Манзилгоҳ: Урганч шаҳри, П.Маҳмуд кўчаси, 162-уй.
Телефон: 6-15-71, 6-52-54.

ҚАБУЛ ҲАЙЪАТИ

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Коллежда ўқув ва касб-ҳунар ўргатиш жараёнлари бевосита амалиёт билан боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда. Қурилиш ташкилотлари, корхона ва муассасаларда амалий машғулотда бўлган ўқувчилар коллежда олган назарий билимларини тобора мустаҳкамлаб бормоқдалар.

Вилоят кадастр бошқармаси, «Тадбиркорбанк» вилоят бўлими, «Туямўйин —Урганч» сув таъминоти корхонаси ўз касбининг устаси ҳисобланган тажрибали мутахассислари билан бўлиб ўтаётган учрашувлар ҳам ижобий самаралар бермоқда. Узоқ йиллардан буён самарали фаолият кўрсатиб келаётган Қ.Қўчқоров, К.Отабеков, Г.Саидов, И.Жуманиёзов сингари иқтидорли мутахассислар амалий машғулотларни давр талаби даражасида ўтказишда тинимсиз изланмоқдалар.

Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш ҳақидаги Низомга асосан ишлаб чиқариш корхоналарига малакали ишчи кадрларни тайёрлаш, ўқувчиларнинг ўрганаётган касблари бўйича билим, кўникмаларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш учун бутун куч ва имкониятлар сарф қилинмоқда. Бунинг учун олдиндан тегишли ташкилот, хўжалик, корхона, муассасалар билан икки томонлама шартнома тузилмоқда. Бу ҳужжатда касблар бўйича ишлаб чиқариш амалиётига юборилаётган ўқувчилар сони, уни ўтказиш муддати, шароит ва тартиблари, ишлаб чиқариш технологияси, санитар-техник, тозалик талаблари ва меҳнат шароити, томонларнинг ўзаро мажбуриятлари аниқ кўрсатилади. Шартнома шартларининг бажарилиши махсус ҳайъат аъзолари билан биргаликда муҳокама қилиниб борилади.

Ўтган давр мобайнида ишлаб чиқариш устахоналарида ўқувчилар муҳандис-педагоглар раҳбарлигида турли хилдаги халқ хўжалиги ва уй-рўзғор учун зарур бўлган ёғоч, металл буюмлар ишлаб чиқариш, биноларнинг ички ва ташқи қисмларини безаш, кўргазмали реклама, ташвиқот, тарғибот воситалари — стендлар, планшетлар, плакатлар яратиш бўйича ҳам қадамлар ташланди.

Яқин келажакда бу борадаги ишларни кенг миқёсда олиб бориш, ўрта махсус маълумотга эга битказувчиларимизни чет элдаги касбдошлари билан бемалол рақобат асосида ишлашига замин яратиш борасида муайян, аниқ ютуқларга эришишимиз мумкин эканлигини даврнинг ўзи ҳам тақозо этиб турибди.

Ҳайитбой АБДУЛЛАЕВ,
ўқув-ишлаб чиқариш таълими бўйича директор муовини

МУАЛЛИМЛАР МЕҲНАТИ САМАРАСИ

Direktor minbari

Пайариқ туманидаги «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги марказида 18-ўрта мактаб жойлашган. Ушбу даргоҳ бир пайтлар шу хўжаликда туғилиб ўсган, кейинчалик хўжалик ва туманда раҳбарлик лавозимларида сидқидилдан ишлаб, обрў-эътибор қозонган марҳум Салоҳиддин Йўлдошев номи билан аталади. 1932 йилда асос солинган ушбу мактабда айни дамда 101 нафар ўқитувчи 1146 нафар ўқувчига таълим-тарбия бераётир.

Билим даргоҳимизга қадам ранжида қилар бўлсангиз, гарчи аксарият эскирган биноларни кўриб ҳафсалангиз пир бўлиши аниқ. Лекин ичкарига кириб, ўқитувчилар ва илм толиблари билан суҳбатлашсангиз, дилингиз равшанлашади. Негаки, мактаб ўқитувчиларининг фидокорона меҳнати кўз олдингизда намоён бўлади. Фикримизни қуйида аниқ далиллар билан шарҳлаймиз.

Биргина ўтган йили мактабимизнинг 66 нафар битирувчи ўқувчисидан 24 нафари олий ўқув юртига, 12 нафари эса касб-ҳунар коллежларига ўқишга киришга муваффақ бўлишди. Айни пайтда улар Самарқанд, Гулистон, Тошкент, Ангрен ва бошқа шаҳарлардаги турли олийгоҳларда таълим олишаётир.

2002-2003 ўқув йилида эса тумандаги 98 та умумий ўрта таълим мактаблари орасида фанлар кесимида 4-ўринни эгалладик. Икки нафар ўқувчи — Мақсуда Очилова, Ҳилола Қўшоновалар фанлар олимпиадасининг вилоят босқичида француз тилидан юқори ўринларни эгаллашди.

Ҳар бир инсон қалбида ғурур ва фахр туйғуси бўлмоғи лозим. Киши биринчи галда яқинлари, қишлоғи ва мактабидан етишиб чиққан илмли, зиёли, машҳур одамлар — олиму уламолар, донишмандлар ҳамда юртпарвар инсонлар билан фахрлана олиши керак. Ватанга муҳаббат, одамларга меҳр ана шундай ғурур туфайли юзага келади.

Бугунги кунда мактабимизни битирганлардан 20 нафари фан номзоди, 3 нафари фан доктори бўлиб етишишганлиги биз ўқитувчилар учун фахр эмасми? Шундай ғурур туйғусини бугун мактабимизда таълим олаётган ёшлар онгига сингдириш ҳам шарафлидир.

Мактабимизнинг умумий ер майдони 4 гектарни ташкил қилади. Шундан 1 гектари чорбоғ — мевали ва манзарали дарахтлардан иборат. Ҳавас қилса арзигулик спорт майдончаси мавжуд. Шунингдек, қишки спорт зали ҳам бор. Турли фанлардан олимпиадаларда юқори ўринларни эгаллаётган ўқувчиларимиз спорт мусобақаларида ҳам бўш келишмаяпти.

Мактабда футбол, қўл тўпи, баскетбол, кураш, енгил атлетика бўйича спорт секциялари фаолият кўрсатаяпти. Ҳатто кўп йиллардан буён қизлар футбол жамоаси ҳам мавжуд. Спорт турлари бўйича туман, вилоят мусобақаларида жамоамиз доимо юқори ўринларни эгаллаб келаяпти. Шу мактабда ишлаган марҳум ўқитувчиларнинг хотира соврини учун турли мусобақаларни ўтказиш одат тусига айланган.

Жамоамизнинг яна бир ютуғи шундаки, ўқувчининг ва ўқитувчининг иқтидори, қизиқиши, унинг нимага қодирлигига алоҳида эътибор қаратилади ва шу асосда иш юритилади.

Фозил ТОЛИБОЕВ,
мактаб директори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 4 февралдаги Фармонига асосан, 16 январь куни ўтказилган тендерда ғолиб чиққан улгуржи савдо ташкилотлари қўшимча қиймат солиғидан озод этилганлар. Бюджетдан ажратилиши кўзда тутилган маблағларни иқтисод қилиш ҳамда ундан самарали фойдаланиш мақсадида, ғолиб чиққан ташкилотлардан 20 фоиз миқдорида чегириб қолинган қўшимча қиймат солиғидан пайдо бўлган маблағ ҳисобига кам таъминланган оилаларнинг I-IX синф ўқувчиларини қишки иссиқ кийимлар (болалар ва ўсмирлар учун: куртка, пойафзал, бош кийим ва қўлқоп) билан таъминлаш мақсадида халқ таълими вазирлиги 2003 йил 30 июнь куни қўшимча тендер савдолари ўтказади.

✓Тендерга республикадаги барча ташкилотлар ўз маҳсулот намуналари билан қатнашишлари мумкин.

✓Тендер танловида иштирок этиш учун маҳсулот намуналари 2003 йил 16 июндан 25 июнь соат 15 гача қабул қилинади.

Тендер Халқ таълими вазирлигининг "Ўқув таълим-таъминот" Бош бошқармасида ўтказилади. (Тошкент ш., Сайрам 3-берк кўчаси, 92-уй).

✓Тендер қатнашчиси қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

— ташкилотнинг молиявий аҳволи ҳақида банкнинг маълумотномаси, шунингдек, йиллик ҳисобот нусхаси;

— маҳсулот сертификати ва санитария паспорти (асл нусхаси);

— нарх-наво бўйича ва 2003 йилнинг 10 сентябрга қадар қанча миқдорда топшира олиш муддати кўрсатилган таклифлар;

—"Ўқув-Таълим-Таъминот" Бош бошқармасининг 20210000500101561001 Уй-жой жамғарма банкининг Меҳнат бўлими, МФО 00423, ИНН 200524742 ҳисоб рақамига ҳар бир таклиф этилаётган маҳсулотнинг 2,5 фоизи миқдорида закалат (бўнак) ўтказилганлиги ҳақида тўлов қоғозининг нусхаси. Тендер ўтказилгандан кейин буюртмачи қатнашчиларга (ғолиб бундан мустасно) уларнинг закалатларини банк операциялари ва тендер ўтказиш харажатларини чиқариб ташлаган ҳолда қайтаради.

✓Тендер таклифлари комиссия томонидан 2003 йилнинг 20 июнидан 27 июнгача фақат иккилик конвертда, муҳрланган ҳолда қабул қилинади.

✓Ташқи конвертда корхонанинг номи, манзили тўлиқ кўрсатилади ва унга банк маълумотномаси, маҳсулот сертификати ва санитария паспорти, тендер қатнашчиси бўнак ўтказганлигини тасдиқловчи ҳужжат солинади.

✓Ички конвертга ҳар бир маҳсулот учун тендер таклифлари ва унга қўйилган нархлар кўрсатилган ҳужжат жойланади.

✓Тендерга 2003 йил 1 январдан кейин рўйхатдан ўтган ташкилотлар қўйилмайди. Шу сабабдан тендер қатнашчилари керакли идоралар томонидан рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги маълумотномани ҳам тақдим этадилар.

Маълумот учун қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинсин: 68-75-46, 68-94-36, 68-03-29.

ТУЗАТИШ

Газетанинг 2002 йил 10 август сонидаги "Саодат сари интилиб" сарлавҳали мақоланинг 1-устун, 1-хатбоши 34-қаторида бошланадиган гап қуйидагича тузатиб ўқилсин:

«Бизнинг коллежимизда 1 нафар фан номзоди ва етти нафар олий тоифали ўқитувчи таълим беради».

ИЖОД – МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛ

Xalq ta'limi fidoyilari

«Фидойи» деган сифат ўқитувчиларга нисбатан қўлланилганида янада теранроқ мазмун касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Зеро, ўқитувчи боғбон мисол мурғак қалбга эзгулик уруғини қадаса, заҳматкаш қурувчи каби юрт пойдеворини бунёд этади. Қашқадарё вилояти Касби туманидаги ихтисослашган мактаб-интернати ўқитувчиси Раҳматулла Ҳамидов ҳақида сўз кетар экан, биз келтирган сифат кўз ўнгингизда тўла маъноси билан гавдаланади. У киши тажрибали устоз, меҳрибон ва қатиққўл мураббий бўлиш билан бир вақтда ўз касбининг ҳақиқий ижодкори ҳамдир.

Ўқитувчининг салкам 40 йиллик мактабдаги фаолиятига назар солар экансиз, у киши фақатгина ўқувчиларга сабоқ бериш билан чекланиб қолмаганига гувоҳ бўласиз. Зотан, у турли йилларда республика матбуотида эълон қилган 20 дан ортиқ илмий мақолалари билан республикамиздаги кўплаб касбдошларига ҳам устозлик қилди. Ушбу мақолалар физика ва астрономияни ўқитишни янада мукаммаллаштириш, берилган мавзуларни маҳаллий шароитга мослаб тушунтириш ҳамда дарс жараёнида халқимизнинг бой маънавий меросидан унумли фойдаланишга қаратилган.

Мисол тариқасида уларнинг айримларини келтириб ўтамиз: 1989 йилда ҳозирги «Халқ таълими» журналида «Физикадан масала ечиш» сарлавҳаси билан чоп этилган мақоласида физика масалаларини ечишнинг соддалаштирилган ва айни пайтда ўқувчиларни кўпроқ мулоҳаза этишга ундовчи усуллари тарғиб этилган бўлса, 1990 йилда бугунги «Ma'rifat» газетасида эълон қилинган «Физика дарсларида Беруний ижодидан фойдаланиш» номли мақоласида улуғ бобокалонимиз меросига мурожаат қилинган.

Айтиш жоизки, ўз фанининг билимдони бўлган муаллим дарс жараёнига халқимизнинг миллий анъаналарини янада чуқурроқ сингдиришнинг янгидан-янги йўлларини излашдан толмади. «Ma'rifat» газетасида босилган «Физика дарсларида халқ мақолларидан фойдаланиш» сарлавҳали мақоласида ана шу изланишлар самараси акс эттирилган. Шунингдек, Р.Ҳамидов ҳеч бир дарслик ва ўқув қўлланмаларида учрамайдиган усулда амалий машғулотлар яратиб, «Халқ таълими» журналида нашр эттирган.

«Ернинг суткалик тезлигини аниқлаш», «Шишанинг нур синдириш кўрсаткичини аниқлаш», «Суюқлик ва эритмаларнинг зичлигини туташ идиш ёрдамида аниқлаш», «Ҳаворанг моляр массасини аниқлаш» каби мақолалари ижодкор ўқитувчининг физика ва астрономия фанларини ўқитишда анъанавийликдан қочишга, дарс жараёнига ижодий руҳ олиб киришга ҳаракат қилганлигини кўрсатади. Энг муҳими, бу борада эришган ютуқлари, тўплаган тажрибаларидан ҳамкасбларини ҳам ўз вақтида бохабар этиб бормоқда.

Б.ЖОВЛИЕВ

2001 йилда Жиззах вилоят Фориш туманидаги 49-ўрта мактаб томонидан Рўзиев Холмурод Жониқулович номига берилган O'R—A № 0986075 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент маданий-оқартув техникуми томонидан 1977 йилда Сайитқулова Ойзода Мамаякубовна номига берилган Щ-I № 547702 рақамли кутубхона ходими ихтисоси бўйича диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Алишер Навоий номидаги республика нафис санъат лицейи маъмурияти томонидан 2003 йилда олинган O'R — A №1495199 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ba'zi ayol-qizlar ichida ichmagan-chekmagan erkak erkakmas deguvchilar paydo bo'ldi. Buning natijasi o'laroq ayollar chekishga o'tishdi.

Ватан манзаралари



УСТОЗЛАР КУЙЛАГАНДА...

Tanlov

Бирмунча муддат илгари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқувчи ёшлар маркази ва Республика таълим маркази ҳамкорликда ўқитувчилар ўртасида ноёб истеъдодларни излаб топиш ва ўзбек миллий қўшиқчилик санъатини янада шакллантириш мақсадида таълим муассасалари яккахон қўшиқчи ўқитувчиларининг «Талантларни излаймиз» деб номланган қўшиқлар кўрик-танловини эълон қилган эди.

Танлов уч босқичли тарзда ташкил этилган бўлиб, биринчи босқич туманлардаги ўқитувчилар ўртасида 2003 йил март ойининг охирларига кадар давом этган эди. Иккинчи босқич эса вилоятлар миқёсида апрель-май ойларига қадар давом этди. Унинг якунловчи босқичи эса 5-6 июнь кунлари Республика таълим марказида бўлиб ўтди. Сўнгги босқичда илк босқичларда ғолиб чиққан ўн тўрт нафар ўқитувчи иштирок этди. Иштирокчилар «халқ қўшиғи», «классик қўшиқ» ва «ялла» жанрлари бўйича ўз истеъдодларини намойиш қилишди.

Гарчанд, қатнашчиларнинг касби ўқитувчи бўлса-да, миллий қўшиқларимизни профессионал даражада ижро этиб йиғилганларни қойил қолдиришди. Улар классик қўшиқларимизни катта маҳорат ва ўзига хос жозиба билан ижро этиб томошабинлар меҳрини қозона олди.

Ижролар ҳакамлар ҳайъати томонидан ўзларининг муносиб баҳоларини олишди. Энг олий ўрин — Гран-при мукофотига Боғдод туманидаги 19- болалар боғчасининг мусиқа раҳбари Сайидакбар Йўлчиев сазовор бўлди. Биринчи ўрин эса Ғиждувон туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси Шерали Пўлатов ва Нукус шаҳридаги 40-болалар боғчаси тарбиячиси Саятхон Хубойбергеновага насиб этган бўлса, иккинчи ўрин Шовот туманидаги 5-мактаб ўқитувчиси Гулсара Матқурбонова ва Самарқанд туманидаги 41-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси Олим Важобов ҳамда Яккасарой туманидаги 100-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси Фотима Сафаровага насиб этди. Учинчи ўринни Навоий шаҳридаги 8-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси Хушандом Баҳронова, Сайҳунобод туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси Ҳабиба Чинмирзаева, Норин туманидаги 40-мактаб мусиқа ўқитувчиси Ҳусниддин Жакбаров ўзаро баҳам кўришди. Қолган вилоятларнинг вакиллари эса рағбатлантирувчи мукофотларга эга бўлишди.

Ғолиблар Халқ таълими вазирлиги, Ўқувчи-ёшлар маркази ҳамда «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва «Ma'rifat» газетасининг эсдалик совғалари, диплом ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Ҳулкар МАМИТОВА

«ЁШЛАР» 5 ЁШДА

«Халқлар дўстлиги» саройида «Ёшлар» канали—истиқлол фарзанди» деб номланган шоу дастур бўлиб ўтди. Республика радиоси «Ёшлар» каналининг ташкил қилинганига 5 йил тўлиши муносабати билан уюштирилган байрам томошаси мухлисларга ҳадя этилди. Радио тўлқинлари орқали бир-биридан қизиқарли дастур, эшиттиришлар воситасида таниган ижодкорлари билан мухлислар юзма-юз учрашишга муваффақ бўлдилар.

Маҳмуд Номозов ва «Сурхон» гуруҳи, Тошпўлат Маткаримов, Равшан Комилов, Илҳом Фармонов, Азиза Ниёзметова, Озодбек Назарбеков, Аваз Олимов, Дилнура Мирзоқулова ижро этган қўшиқлар байрам иштирокчиларининг ҳордиқ чиқаришларига сабаб бўлган эса, қизиқчи Обид Асомовнинг чиқиши барчага завқ улашди.

«Ёшлар» каналини муборакбод этишга келганлар шу нарсани алоҳида таъкидлашдики, «Ёшлар» — радиоканаллар ичида мумтоз қўшиқларимизни бериб бориши, бошловчиларнинг тилга, сўзга муносабати, дастур ва эшиттиришлар мазмунининг кенг қамровлилиги билан ажралиб туради.

«Ma'rifat» газетаси ижодкорлари номидан ҳам ҳамкасбларимизни ушбу байрам билан қутлаб, ижодий баркамоллик тилаб қоламиз.

Ҳусан НИШОНОВ

Ta'kid

ЧЕКИШНИНГ ЗАРАРИ

Инсон кўпинча таъқиқланган ишни қилади. Нега?

Ичкилик, чекишнинг зарари тўғрисида қанча айтилмасин, бунга ишқибозлар сони ошиб бораверади. Айни кейинги йилларда Америка, Европада чекиш бирмунча камаяётган бўлса, мусулмон давлатларида бунинг акси кузатилган. "Чекиш соғлиқ учун зарар" деб сигарета қутисига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ёзиб қўйилган, у заҳарли оғу экани гарчи ёзилмаса-да, омманинг тушунчаси етади. Лекин олифталик учунми, эрмак учунми ё боғланиб қолганиданми, кишилар чекаверади. Қанча насиҳат қилинг, узун-узун маъруза ўқинг барибир. Баъзи аёл-қизлар ичида ичмаган-чекмаган эркак эркакмас дегувчилар пайдо бўлди. Бунинг натижаси ўлароқ аёллар чекишга ўтишди. Дунёга бефарқ яшаётган одам учун дунёнинг қизиғи йўқ, аммо бунақа одамлар камчиликни ташкил этади. Чекиш нафақат одам организмига зарар, балки атроф-муҳитга ҳам таъсир қилади. Ҳатто, қоғоз етишмаётган полиграфия саноати ҳам ундан зарар кўриши аниқланди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра кунига ўртача 20 дона сигарет чекадиган одам бир йилда 116 минг 800 квадрат сантиметр қоғозни ёндириб юборраркан. Шу ҳажмдаги қоғоз билан 300 саҳифали китоб чиқариш мумкин, дейилади.

Англияда XVI аср охирида тамаки чеккан "айбдорлар"нинг бошини танасидан жудо қилганлар, сўнгра қатл қилинган кишининг бошини ҳаммага намойиш қилиш, билдириш учун ёғоч учига илиб, майдонга қўйиб қўйганлар. Тамаки мухлисларига унинг ватани Испаниянинг Америкадаги мустамлакаларида ҳам қаттиқ жазо чоралари кўрилган. Шундай воқеа маълумки, 1692 йилда Сантьяго шаҳрида папанинг ҳукми билан яширинча чеккан 5 роҳиб монастир девори орасига тириклайин қўйиб, суваб юборилади.

Бугунги кунда шу каби ҳукм ижро қилинадиган бўлса, жуда кўпчилик билан хайрлашишимизга тўғри келар ва у билан савдо қиладиган бизнесменлар, катта-катта ташкилотлар банкротга — талофатларга юзма-юз бўлишар экан.

Акмал ИКРОМОВ

«БУЗРУКВОР» КРОССВОРДИ



БЎЙИГА: 1. Республикамиз жанубига хос иқлим минтақаси. 2. Чиройли юз, чеҳра. 3. Ўзбекистондаги археологик қазилмалар олиб борилган кўҳна тепа. 4. Мезоннинг эгаси. 5. Аввал. 6. Мажлисларни ўтказиш тартиби. 12. Тўлиқ. 13. 17 карра жаҳон чемпиони, ўзбекистонлик боксчи. 15. Чуқурлик. 16. Эртапишар мева. 18. Дарров. 19. ...-де-Жанейро. 20. Енгилиш. 21. Ҳарбий даража, унвон. 22. Уч торли, учбурчак рус миллий мусиқа асбоби. 23. Шоҳмотдаги юриш. 25. Ёввойи йиртқич мушук. 26. Машҳур, танилган.

ЭНИГА: 1. "Шарқнинг Рими" номи билан машҳур бўлган шаҳар. 4. Ишбилармон. 7. Тўтиқуш тури. 8. Хушбўй ўсимлик. 9. Камон ўқи. 10. Осмон жисмларининг ҳаракат йўли. 11. Пардоз, оро. 14. Думалоқ, нордон мева. 17. Тўкин дастурхон тасвирланадиган санъат тури. 20. Боши доим хам дарахт. 22. Улуғ, ҳурматга лойиқ. 24. Босиб ўтилган масофа. 27. Дидли, ақлли. 28. Найранг. 29. ... сўзи ақлнинг кўзи (мақолдан). 30. Олмурут. 31. Хотирада қолган из. 32. Тебранувчи жисмнинг мувозанат ҳолатидан энг узоқ масофа.

Тузувчи: Абдумурод ҲАСАНОВ, Бандихон туманидаги 18-мактаб ўқитувчиси

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-476. Тиражи 26856. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Ҳусан НИШОНОВ. Навбатчи: Ғофур ЖАБИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Ⓜ *белгиси остида реклама материаллари берилади.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00